

FAB.8

1713

Sh.K. Pavlov, R.I. Azizova

GANDBOL

7 А 8. 8

113 ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

## ГАНДБОЛ

(Бўйсм ва Бўйосмлари учун намунавий дастур)

109226

ТОШКЕНТ – 2009

O'zbekiston Davlat jismoniy tarbiya  
Instituti

Akkreditasiya Markazi

Тузувчилар:

Павлов Ш.К. – ЎзДЖТИ футбол ва қўл тўпи кафедрасининг доценти.

Азизова Р.И. – Наманган Давлат университети жисмоний тарбия ва жисмоний маданият кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Такризчи:

Ярашев К.Д. – педагогика фанлари номзоди, профессор.

Намунавий дастур мураббий-ўқитувчилар, педагоглар ва спорт йўналишидаги қўшимча жисмоний тарбия соҳасини бошкарувчилар учун мўлжалланган.

Дастур Ўзбекистон Гандбол Федерацииси томонидан тасдиқланган ва нашр этиш учун тавсия килинган.

## Сўз боши

Болалар-ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ) ва болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби (РБЎОЗСМ) мутахассисликларини ўргатиш учун тузилган режанинг мақсади – гандбол мутахассислигига шуғулланувчиларга жисмоний тарбия тизимида гандболнинг ўрни ва замонавий билимларнинг аҳамияти ҳакида билим бериш, улардаги зарур бўлган педагогик касб малакаларини шакллантиришdir.

Биринчи боскич – умумтаълим мактабларининг тиббий кўриқдан ўтган ўқувчилари учун бўлиб, жисмоний-соғломлаштириш ва тарбиявий ишлар, ҳар тарафлама жисмоний тайёргарлик ва гандбол техникасининг асосий усусларини ўргатишга қаратилган бўлади.

Иккинчи боскич – даслабки тайёргарлик, умумтаълим мактабларида, спорт билан шуғулланмоқчи бўлган тиббий назоратдан ёзма равишда руҳсати бўлган болалар учун бўлиб, бу боскичда улар жисмоний-соғломлаштириш тарбиявий ишлар, ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик, спорт ихтинослигини танлаш ва ўқув машғулотларга қабуғ қилиш учун назорат меъёрларини бажарадилар.

Учинчи боскич – ўқув-машғулот боскичи. Бир йил давомида зарур тайёргарликдан танлов асосида соғлом ўсмири ва кизлардан ўқувчилар жамоаси ташкил этилади. Йил давомида шуғулланувчилар умумий жисмоний тайёргарлик ва маҳсус тайёргарликдан ўтиш синовларини бажарган ўқувчилар учун спорт разряди бажарилганидан сўнг спорт такомиллашуви гуруҳлари шакллантирилади.

Дастур мураббий-ўқитувчилар, педагоглар ва спорт йўналишидаги қўшимча жисмоний тарбия соҳасини бошқарувчилар учун ўқув-машғулотларни режалаштиришда асосий хужжат бўлиб хисобланади. У спорт мактабидаги ўргатиш жараёнини тўла-тўқис ёритиб беради.

Дастурни яратища гандболчи спортчиларни тайёrlаш масалаларига боғлиқ илмий изланиш натижаларидан, спорт тиббиётининг амалий тавсияларидан, жисмоний тарбия назарияси ва усулияти, педагогика, физиология, гигиена ва психология фанлари билимларидан фойдаланилди.

Гандболчиларни юқори малакали спортчигача тайёrlаш ўзига хос тизимга эга, мўлжалланган мақсадга эга бўлиш қуидагилардан иборат:

- такомиллаштириш гурухига танлаб олинган ёш гандболчилар даслабки ҳолатининг оптимал натижалари;
- мураббийнинг малакавий тайёргарлик даражаси;
- техник-база ҳолати;
- бутун педагогик жараённи ташкил килиш сифати;

Боскичма-боскич спорт тайёргарлигининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- спорт билан шуғулланишга болалар ва ўсмирларни мунтазам равиша жалб этиш;
- ҳар томонлама жисмоний ривожланиш ва соғлиқнинг мустаҳкамланишини таъминлаш;
- руҳий ва иродавий мустаҳкам инсонни тарбиялаш;
- юқори малакали спортчиларни тарбиялаб, Ўзбекистон терма жамоаси учун захира тайёrlаш.

Дастурда тайёргарлик турлари (назарий, жисмоний, техник, тактик, ўйин, психологик) тайёргарлик воситаси ва шакли, машқлар ва назорат меъёрлари (тикланиш ва тарбиявий тадбирлар) тўлиқ ёритилган.

Дастур олий спорт маҳорати мактаби, ихтисослашган болалар-ўсмирлар Олимпия заҳиралари спорт мактаби ва болалар-ўсмирлар спорт мактаби учун тасдиқланган материаллар асосида яратилган бўлиб, ёш спортчилардан тортиб то малакали спортчилар тайёrlашгача бўлган жараённинг узлуксиз кетма-кетлигига қатъий риоя килинган.

# 1. ТАШКИЛИЙ -УСЛУБИЙ КҮРСАТМАЛАР

## 1.1. Ўқув-машгулот ишлари

Гандболчиларни тайёrlаш ўзига хос ихтисослашган бир неча бўлумлардан иборат бўлиб, асосан болаларнинг ёши ва тайёргарлиги билан ажратиб у ёки бу гурухга умумий жисмоний тайёргарлик ва жисмоний ривожланиши кўрсатмаларини белгиловчи тестлар орқали қабул қилинади. Ҳар йили ўргатишдан сўнг кўрсатилган меъёрлар бўйича синовдан ўтказилади.

1-жадвал

### Ўқув-машгулот ишлари ва спорт тайёргарлиги талаблари тартиби

Тайёргарлик боскичи	Ўргатиш муддати	Ёши	Ҳафталик соат микдори	Спорт тайёргарлиги талаблари
Спорт-соглом-лаштириш	Бутун мавсум	9-15	6	УЖТ кўрсаткич ўсиши
Дастлабки тайёргарлик	1 йилгача	9-11	6	УЖТ
	1 йилдан зиёд	10-12	9	меъёрларини бажариш
Ўқув-Машгулол	Бошланғич ихтисослик	2 йилгача	12-13	УЖТ, МЖТ меъёрларни бажариш
		2 йилдан зиёд	12-14	
	Чукурлаштирилган ихтисослик	3-4 йил	Қизлар 13-15 Ўсмиirlар 14-15	Биринчи спорт разрядини бажариш
		5 йил	Қизлар 14-16 Ўсмиirlар 15-16	18

Гандболчиларнинг қўп йиллик тайёргарлиги ўқув-машгулот жараёнида кўйилган комплекс вазифаларни ечиш учун услубий низом асосида тузилади.

Аввало, бу юқори малакали спортчиларни тайёrlашда ёш спортчиларни тайёrlашнинг мақсадли йўналишидир. Гандбол

билин шуғулланувчиларни кўп қилиб қамриб олишдир. Бунинг учун бутун мавсум давомида истиқболли болаларни танлаб олиб ва спортда юкори натижаларга эришиш гурухларига тавсия этилади.

Юкори малакали спортчилар даражасига эришиш учун маълум хажмдаги ўкув-машғулот ва мусобоқаларда иштироқ этиш талаб қиласди. Ўкув машғулотни шундай тузиш зарурки, унда шуғулланувчи энергия ресурсларини сарфлаш ва тикланиш нисбатини саклаши лозим. Бунинг учун ўкув машғулот жараёни тизими мини оқилона тақсимлаш ва ҳар бир шуғулланувчига индивидуал ёндашиш керак.

Юкори малакали гандболчини ўргатиш факат машғулот ва ҳар тарафлама жисмоний ривожланиш вазифаларини комплекс ҳал этиш орқали эришилади. Дастребки тайёрлов босқичида бу муаммолар оддий дарсларга комплекс ёндашиш орқали эришилади. Факат иқтисослашган машғулот ва кисқа мусобақа циклини қўллаш зарур.

Ёш спортчиларни ҳар тарафлама тайёрлашни бир хил ривожлантириш бир текис бўлавермайди, чунки бирон-бир ёшдагиларда бир сифат ривожланса, кейингиларида бошқа сифат ривожланади. Шунинг учун асосий жисмоний сифатларни баравар ривожлантириш жуда муҳимдир. бу жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасини сақлаб туришга олиб келади. Бунинг учун мураббий ёш уйинчиларнинг ривожланишини ўзга хос хусусиятларини яхши билиши талаб этилади.

Гандбол – жамоавий спорт тури. Мусобоқаларда иштироқ этиш гандболчиларнинг маҳоратини оширишга ёрдам беради. Аммо сифатларни тарбиялаш ёшга хос хусусиятларга боғлик бўлади. Гандболда индивидуаллик куйидагича амалта оширилади: ёши, жинси, ўйин амплуасига қараб, антопометрик биологик ҳолат. Тегишли ёшдаги болалардан мувофиқ босқичга тааллуқлисидан ортиғини талаб қилиш мумкин эмас. Айникса, техник ва тактика асосида тузилган мусобақа жараёнида.

Ёш уйинчиларни тайёрлашда жисмоний қобилиятларни юкламаларни кўпайтириш ҳисобига ривожлантириш лозим. Бир хил ёшдагиларда бу даврда куч кўпаяди, яна бирида эса чидамлилик ва бошқ. Бу давр тегишли харакат сифатларини такомиллаштириш учун кулай бўлиши мумкин ва мураббий маҳсус йўналишдаги юкламаларни бериб ривожланишга кулайлик яратади.

**Ҳаракат сифатларини ривожлантириш учун  
намунаий құлай давр**

Жисмоний сифатлар	ЁШИ							
	9	10	11	12	13	14	15	16
Морфофункционал күрсаткичлар				+	+	+	+	
Гавда узунлиги				+	+	+	+	
Мушаклар хажми				+	+	+	+	
Тезлик	+	+	+					
Тезкор-күч сифатлари		+	+	+	+	+		
Күч				+	+	+		
Чидамлилик	+	+					+	+
Анаэроб имконият	+	+	+				+	+
Эгилувчанлик	+	+						
Координацион имконият	+	+	+	+				
Мувозанат саклаш		+	+	+	+	+		

2-жадвалда умуман барча болалар ва ўсмирлар учун ҳаракат сифатларини ривожлантиришнинг даврлари күрсатилған. Аммо юкори дараждады спорты натижаларига эришиш учун қобилиятини гандбол гурухларидан ташкил топиши хисобға олиши зарур. Аввало улар баланд бўйли болалардан ташкил топади. Улар оддий болалардан хар томонлама фарқ қиласди. Кўп ҳолларда бундай болалар тенгдошларидан кўп күрсаткичлар бўйича устунлик қиласди, айрим ҳолларда жисмоний қобилиятлар хам яққол кўзга ташланади.

Бундан ташқари, ёш қизчалар билан болалар, шунингдек, айниқса, ўсмирлар ва қизларда жисмоний томонидан катта фарқ мавжуд. Бу ҳоллатларни хисобға олмасдан ўқув-машғулот жараёнини оқилона тузиш мумкин эмас.

Турли ўшдаги ёш гандболчи қизлар ва болаларда тезкор-күч сифатлари, айниқса, тўп отишда анча фарқ қиласди. Аммо 14 ўшгача уларнинг функционал күрсаткичлари айтарлича фарқ қилмайди. Ёш улғайишидаги фарқ болалар фойдасига ҳал бўлаверади.

Тайёргарлик ўсишининг асосий шартларидан бири машғулот юкламаларини оқилона оширишdir. Фақат бу ҳолда юклама даражаси шуғулланувчи иш қобилиятини хисобға олган ҳолда берилади. Машғулот юкламаларини шундай танлаш лозимки, унда ҳар бир шуғулланувчига индивидуал, гурух гандболчиларига ушбу босқичдаги иш қобилиятини хисобға олиб берилади.

Ёш спортчиларнинг жисмоний тайёргарликларини хисобга олиб машқлар шиддатини оширишга қаратиш зарур. Шуғулланувчиликнинг динамик характердаги машқларни хар ҳил темпда бажаришга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Шуғулланувчилар техник усуларни машқлантириш билан бир пайтда жисмоний юкламаларни маҳсус чидамликни ривожлантириш учун (такрорлаш сонини кўпайтириб, ўйинчилар ҳаракатини мураккаблаштириб ва техник усулларни бажариш тезлигини оширган холатда) бирмунча ошириш мумкин.

Агар машғулотга тезлик ва тўғри ҳаракат машқлари кири-тилган бўлса, у ҳолда аввал тўғри ривожлантирувчи машқлар берилади, ундан сўнг тезлик тўғрилик билан бирга факат техник малакали тактик ўзлаштириш билан бирга шакллантирилганда ўйин тактикаси мувффакиятли ўзлаштирилади. Ёш спортчиларнинг олди-га шундай вазифа кўйилиши керакки, бинобарни улар техникани эгаллашда кийналмасликлари лозим.

Вактидан аввал ўйинчиларни ўйиндаги вазифаларга кўра ажратиш келажакдаги такомиллаштириш истиқболини камайтиради. Бошланғич ихтисослик босқичида ёш спортчилар жамоада ҳар қандай вазифани бажаришни ўрганишлари шарт.

Ҳар бир шуғулланувчи бир ҳил даражада тўпни ўзатиш, уни ерга уриб олиб юриш, тўпни жойдан туриб ва ҳаракатда дарвозага отиш, хужум ва химоя қилишни ўрганишга мажбур. Ушбу комплекс малакаларни ўрганиб олгандан сўнг, бу ёш гандболчининг индивидуал сифати шаклланади ва ихтисослашган “амплуа”га ўтади.

Ёш гандболчиларни тайёрлашда баланд бўйли ўсмиirlар ва кизлар билан ишлашга алоҳида диккатни жалб этиш зарур. Чунки жисмоний юкламаларга улар чидаш бера олмайди ва жисмоний иш қобилияти даражаси паст бўлади.

Дарвозабонни танлаш учун барча шуғулланувчиларни дарвозда ўйнатиб кўриш лозим. Дарвозабонликка ихтисослашиш 2-чи йил шуғулланаётган ўқув-машғулот гурухларида бошланади.

## 1.2. Ўқув режаси

Гандбол спорт мактабининг ўргатиш жараёни бутун мавсум давомида бир неча ёш босқичида, ҳар бири ўзининг маълум вазифаларини ечиш билан амалга оширилади. Ёш спортчиларнинг

кўп йиллик тайёргарлиги умумий йўналиши босқичма-босқич куидаги амалга оширилади:

- ўйин усуллари ва тактик харакатларни аста-секин ўргатиб, жисмоний ва иродавий қобилияtlар асосида уларни такомиллаштириш;

- шериклари билан ўзаро харакатларни кенгайтириб, ўйин усулларининг турларини кўпайтириш;

- умумтайёргарлик воситалардан гандболчиларга хос ихтисослашган воситаларга ўтиш;

- тайёргарлик жараёнида шахсий мусобақадаги машқларни кўпайтириш;

- ўкув-машғулот юкламалари ҳажмини кўпайтириш.

Машғулот шиддати оширилиб, зарур иш қобилиятини ошириш ва ёш гандболчилар соғлиғини саклаш учун тикланиш тадбирлари қўлланилади.

### *Согломлаштиши-спорт босқичи вазифаси*

1. Максимал имкониятда болалар сонини кўпайтириб мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш.

2. Соғлом ҳаёт тарзини таъминлаш.

3. Жисмоний қобилияtlарни ҳар тарафлама тарбиялаш, соғлиқни мустаҳкамлаш, организмни чиниктириш.

4. Гандбол асосини эгаллаш.

### *Дастлабки тайёргарлик босқичи вазифаси*

1. Гандбол билан шуғулланиш учун қобилияtlли болаларни танлаш.

2. Машғулотга астойдил қизиқишини шакллантириш.

3. Жисмоний қобилияtlарни ҳар томонлама тарбиялаш, соғлиқни мустаҳкамлаш, организмни чиниктириш.

4. Ўйин малакаларини муваффақиятли эгаллаш учун маҳус қобилияtlарни (эгилувчанлик, тезлик, чақонлик) тарбиялаш.

5. Ўйиннинг техник усуллари ва тактик харакатлар асосини ўргатиш.

6. Мини-гандбол қоидаларига биноан мусобақа фаолияти малакаларини сингдириш.

### *Ўқув-машгулот босқичнинг умумий вазифаси*

1. Умумий жисмоний тайёргарликни кўтариш (айникса, эгилувчанлик, чакқонлик, тезкор-куч қобилиялар).
2. Махсус жисмоний тайёргарликни такомиллаштириш.
3. Барча техник усулларини малака ва билим даражасида эгаллаш.
4. Индивидуал ва гурухли тактик харакатларни эгаллаш.
5. Тайёргарликни индивидуаллаштириш.
6. Дастрлабки ихтисослик. Ўйин амплуасини аниқлаш.
7. Жамоанинг тактик харакатлари асосини эгаллаш.
8. Гандболда мусобақа фаолияти малакаларини тарбиялаш.

### *Дастлабки ихтисослик вазифаси*

(1-2 йил, кизлар; 1-3 йил, ўсмирлар)

1. Жисмоний сифатларни тарбиялаш: гозлик, эгилувчанлик, чаққонлик ва ихтисослашган чидамлилик машғулоти.
2. Ўйин техникасини ўрганиш (техника “мактаб”) ва уларни тактик харакатларда такомиллаштириш.
3. Тактик харакатларга ўргатиш (асосан индивидуал ва гурух) ва уларни ўйинда такомиллаштириш. Гандболчилар ўзаро ҳар хил харакатлар бажаради, маълум бир амплуага ихтисослашишга ҳали эрта.
4. Мусобақа фаолиятига киришиш. Туман ва шаҳар биринчиликларида иштирок этиш.

### *Чукурлаштирилган ихтисослашни вазифаси*

(3-5 йил, қизлар; 4-5 йил, ўсмирлар)

1. Жисмоний сифатлар: куч, тезлик, ихтисослашган машғулот ва мусобақа чидамлилигини тарбиялаш.
2. Ўйин техникасига ўргатиш ва аввалдан мусобақа шароитига ёндашиб ҳар хил комбинацияларни такомиллаштириш.
3. Индивидуал ва гурухли тактик харакатларга ўргатиш, ҳимоя ва ҳужум турларида ўрганилган ҳар хил комбинацияларни такомиллаштириш.
4. “Амплуа” бўйича ихтисослашиш. Индивидуал қобилиятни ҳисобга олган ҳолда тактик харакатларда ўйин усулларини ва ёш гандболчиларнинг ўйин амплуасига биноан такомиллаштириш.

5. Мусобақага қатнашишга тайёрлик (ўйинга тайёрлик, ўйиндан олдинги эмоционал ҳолат, ўйинга ўйин натижаси боғлиқ эмаслиги, комплекс тикланиш тадбирлари) тарбияланади.

Ўқув-машғулот дарсининг намунавий ўқув режаси 3-жадвалда кўрсатилган.

3-жадвал

**Бўйсум ва Бўйозум учун 52 хафтага мўлжалланган ўқув-машғулотларнинг намунавий ўқув режаси**

Тайёргарлик турлари	Бошлиғич тайёр-гарлик босқичи				Ўқув-машғулот босқичи			
	Ўргатиш йили							
	1-чи	2-чи	3-чи	1-чи	2-чи	3-чи	4-чи	5-чи
Назарий	10	124	24	32	32	46	50	70
Умумий жисмоний	60	93	93	103	86	133	114	120
Махсус жисмоний	40	56	56	78	80	126	142	130
Техник	78	81	81	95	84	124	124	80
Тактик	30	54	54	73	70	115	100	116
Ўйин	50	60	60	70	76	106	128	142
Назорат тақвим ўйинлари	-	30	30	36	45	80	84	88
Тикланиш тадбирлари	-	-	-	49	51	54	56	48
Йўриқчилик ва хакамлик амалиёти	-	-	-	-	12	20	20	20
Назорат синовлари	8	16	16	16	16	24	20	24
46 хафтадаги умумий соатлар ҳажми	176	414	414	552	552	828	828	828
Спорт оромгохларида	36	54	54	72	72	108	108	108
52 хафтадаги умумий соатлар ҳажми	312	468	468	624	624	936	936	936

Юқори малакали спортчиларни тайёрлашнинг кўп йиллик тузимининг ҳар бир ёш босқичида юқламаларни аниқ режалаш-

тириш талааб этилади. Бу юқламалар машғулот жараёнида қўлланиладиган восита ва усууллар билан аниқланади. Гандбол мавсумининг йиллик циклида тайёргарликнинг барча турлари бўлиши шарт, уларнинг шакли бир-биридан фарқ қилиши мумкин (4-жадвал). Умумий жисмоний ва техник тайёргарлик нисбатан маҳсус жисмоний, тактик ва мусобақа юкламалари бирмунча устунликка эга бўлиб, у мунтазам ортирилади.

4-жадвал

#### Ҳар хил босқичда барча тайёргарлик турларининг нисбати

Тайёргарлик турлари	Кўп йиллик босқичи		
	Дастлабки тайёргарлик	Дастлабки ихтинослик	Чукурлашган ихтинослик
УЖТ	25	21	18
МЖТ	16	18	19
Техник	21	20	17
Тактик	15	16	16
Ўйин	17	16	18
Мусобақа	6	9	12
<b>ЖАМИ:</b>	<b>100%</b>	<b>106%</b>	<b>100%</b>

Ҳар хил йўналишда юкламаларни тақсимлашга умумий ёндашилади, барча босқичларда тахминан бўлинадиган соатлар жисмоний тайёргарлик (умумий ва маҳсус билан бирга), техник (техник-тактик билан бирга) ва ўйин (машғулотдаги ўйин, назорат ва тақвим ўйинлари билан бирга) тайёргарлика бўлинади. Аммо босқичдан-босқичга маҳсус жисмоний тайёргарлик ҳажми (умумий тайёргарлик камайтирилиши эвазига) оширилади (5-жадвал). Шундай ҳолат техник ва тактик тайёргарлиқда хам кузатилади. Мусобақада ўйин юкламалари ўйин тайёргарлигига нисбатан (машғулот ўткизиш жараёнида) оширилади.

Асосан болалар мусобақалари бошқа шаҳарларга бориш сабабли кўп кунлик бўлиши мумкин, шунинг учун буни инобатта олиш жуда муҳимdir. Юқоридагиларни хисобга олиб, йиллик тайёргарлик микроциклини шундай режалаштириш керакки, ёш гандболчилар ўша вактда мусобақаларда муваффакиятли иштирок этишига замин яратилиши лозим.

Катта ёшдаги гандбол усталарининг мусобақа юкламалари юрак кискариш тезлиги 165-180 минутига/зарбага тенг бўлади. Шунинг учун машғулот юкламалари шиддатини шу дарражага тенг

### Ҳар хил боскичда тайёргарлик турларнинг нисбати

Тайёргарлик турлари	Кўп йиллик тайёргарлик боскичи		
	Дастлабки тайёргарлик	Дастлабки ихтисослик	Чукурлашган ихтисослик
Жисмоний тайёргарлик			
УЖТ	60	54	50
МЖТ	40	46	50
Техник-тактик тайёргарлик			
Техник	60	55	50
Тактик	40	45	50
Ўйин тайёргарлиги			
Ўйин	70	65	60
Мусобака	30	35	40

режалаштириш лозим. Юқори шиддатли машғулотда бажариладиган машқларда томир уриши меъёрий бўлса, бу спортчининг спорт ҳолатига келишига йўналтирилган бўлади. Агар машғулотлар шиддати паст бўлса, унда гандболчилар мусобака шароитида самарали харакат қила олмайди.

Юкламалар миқдорини аниқлашда маҳсус чидамлиликни тарбиялаш учун болаларнинг томир уриши катталарнидан юқори бўлишини ҳисобга олишни унутмаслик керак.

Машғулотда тез ижобий самара олиш учун юклама йўналишини оширишни билишдан ташқари, машқларни бир-бирига боғлаб йўналтиришни билиш ҳам зарур. Бунда бир йўналишда харакат воситаларини танлаш самарали ҳисобланади. Аммо агар машғулотда ҳар хил вазифаларни ечиш зарур бўлса, у ҳолда олдин тезкор-куч машқлари кўлланилади, сўнг тезкор чидамлилиги воситалари, ундан кейин эса умумий чидамлилик ривожлантирувчи юкламалар берилади. Айниқса, ўқув-машғулот йиғинларида машғулотни тузишга илмий ёндашиш шарт. Бу ерда 4:1 ва 3:1 микроциклни кўллаш мумкин.

Бир кунда уч маҳал машғулот ўтказилганда ҳар бир дарснинг аниқ йўналиши бўлиши шарт. Эрталабки машғулот организмнинг умумий ҳолатини, тонусини кўтаришга хизмат қилиб, кейинги машғулотларда иш қобилиятини яхшилашга хизмат қиласди. Кундузги ва кечки машғулотлар тайёргарликнинг асосий вазифала-

рини ҳал этади. Микроцикл куни бир йұналишдаги асосий вазифаны ҳал этишга қаратилади, бошқалари иккиламчи ҳисобланади.

Үйин машқлари ўтказилганда албатта ўйинчилар сони, майдон үлчами, ўйинга қўйилган вазифа (шахсий ёки ҳудудли химоя, устунликка эга бўлиб ёки бўлмасдан) ҳисобга олиниши лозим, чунки барча бундай ҳолатлар машқлар шиддатига таъсир килади. Кўпчалик бўлиб машқларни бажарувчи гандболчилар сон жихатдан ҳам, машқ суръати, машқлар орасидаги “танаффус”нинг кисқартирилиши ва узайтирилишига боғлик бўлади.

Ёзги спорт оромгоҳида ўтказиладиган машғулотлар режалари кўзланадиган зарур восита ва вазифаларни ечишга қаратилади.

### **1.3. Йиллик тайёргарлик циклининг режаси**

Ўкув-машғулот жараёнини тузишдаги муҳим масалалардан бири, бу дастур материалларини ўкув йиларига таксимлаштир, чунки, босқич ва ҳафталик микроцикл – режалаштиришнинг асосий негизи устунидир.

Мазкур дастур тайёргарликни босқичма-босқич тузишни тавсия этади. Дастурда ҳар бир ўкув йили учун намунавий режажадвал сифатида берилади (6-11-жадваллар). Бошлангич тайёрлов гурухи ва 1-чи йил ўкув-машғулот гурухи учун ҳар бир йиллик микроцикл 3 циклдан, каттароқ гандболчилар учун 4 циклдан иборат бўлади. Ҳар бир цикл таълим вақтидаги мусобақа билан яқунланади, бу мусобақаларга тайёргарлик режаси уч босқичдан тузилади.

Шунга боғлик дастурда ҳар бир тайёргарлик босқичида микроциклдаги машғулотлар мазмунини босқичларга биноан умумий тайёргарлик, маҳсус тайёргарлик, мусобақаолди ва мусобақа йұналишига қаратилмоги лозим.

Умумий тайёргарлик микроцикли янги материалларни ва жисмоний тайёргарликни ўргатишга қаратилади. Маҳсус тайёргарлиқда эса техник-тактик такомиллаштириш ва ўйин йұналиши мусобақаолди машқлари ҳажми оширилиб, жисмоний тайёргаликни ривожлантириш вазифаси факат маҳсус гандбол воситалари орқали ҳал этилади.

## **Даатлабки тайёргарлик гурухида (2-3 йил) гандболчиларни тайёрлаш учун намунаявий режа-жадвал**

## 6-жылдың ишесінде

Тайер-гарлик түрлери	феврал				март				апрел				май				июн				июл				
	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	
Назарий				05	05	05	05	15	35	-	-	-	05	05	05	05	15	35	-	-	-	-	-	-	
Умумий жилемо-ний	2	2	2	2	2	2	1	1	-	2	1	1	2	2	2	2	2	-	1	-	4	4	-	-	
Махсус жилемо-ний	2	2	2	1	1	1	-	1	1	2	2	2	1	1	1	1	1	-	2	2	2	2	2	2	
Техник	2	2	2	3		2	1	1	2	2	2	3	3	3	2	1	1	1	2	-	-	-	-	-	
Тактика	1	1	1	2	1	1	2	2	2	1	2	2	1	1	1	1	2	2	2	2	2	2	2	2	
Үйин	2	2	2	-	-	-	-	1	-	2	2	2	-	-	-	1	-	-	2	2		2	2		
Назорат ва таквим үйин-лари	-	-	-	15	15	15	15	15	25	-	-	15	15	15	15	15	25	-	-	-	-	-	-	-	
Назорат синов-лари							2												2						
Жами соатлар	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	9	

## **Бошланғич тайёрлов гурухининг ҳафталик микроцикл йўналиши намунавий рақамлари**

Умум жисмоний тайёргарлик: 1-11, 20-25, 32-34, 41 ва 42  
Микроциклда машғулот йўналиши:

- 1-кун – техник-тактик тайёргарлик (2 соат)
- 2-кун – жисмоний тайёргарлик (1 соат)
- 3-кун – техник-тактик тайёргарлик (2 соат)
- 4-кун – дам олиш куни
- 5-кун – жисмоний тайёргарлик (2 соат)
- 6-кун – ўйин тайёргарлиги (2 соат)
- 7-кун – дам олиш

Максус тайёргарлик: 12-16, 26-28, 35-37.

Микроциклда машғулот йўналиши:

- 1-кун – техник – тактик тайёргарлик (2 соат)
- 2-кун – жисмоний тайёргарлик (1 соат)
- 3-кун – ўйин тайёргарлик (2 соат)
- 4-кун – дам олиш
- 5-кун – техник-тактик тайёргарлик (2 соат)
- 6-кун – ўйин тайёргарлиги (2 соат)
- 7-кун – дам олиш

Мусобакаолди:

Микроциклда машғулот йўналиши:

- 1-кун – техник-тактик тайёргарлик (2 соат)
- 2-кун – техник-тактик тайёргарлик (2 соат)
- 3-кун – ўйин тайёргарлиги (1 соат)
- 4-кун – дам олиш
- 5-кун – техник-тактик тайёргарлик (2 соат)
- 6-кун – ўйин тайёргарлиги (2 соат)
- 7-кун - дам олиш

Мусобақа: 14, 31, 40

Мусобақа микроциклида 3-4 ўйин тикланиш машғулоти сифатида ўтказилади.

## **Биринчи йил шуғулланувчи ўқув-машғулот гурұхлари үчүн ҳаftалик микроцикл йұналиши ва рақамлари**

Умумий жисмоний тайергарлик микроциклари: 1-9, 20-25,  
32-34, 41-46.

Микроциклда машғулот йұналиши:

- 1-күн – техник-тактик тайёргарлик (2,5 соат)
- 2-күн – жисмоний тайёргарлик (2 соат)
- 3-күн – техник-тактик тайёргарлик (2,5 соат)
- 4-күн – дам олиш
- 5-күн – жисмоний тайёргарлик (2,5 соат)
- 6-күн – ўйин тайёргарлиги (2,5 соат)
- 7-күн – дам олиш.

Максус тайёргарлик микроциклари: 10-13, 20-23, 24-27,  
35-36.

Микроциклда машғулот йұналиши:

- 1-күн – техник-тактик тайёргарлик (2,5 соат)
- 2-күн – жисмоний тайёргарлик (2,5 соат)
- 3-күн – ўйин тайёргарлиги (2,5 соат)
- 4-күн – дам олиш
- 5-күн – техник-тактик тайёргарлик (2,5 соат)
- 6-күн – ўйин тайёргарлиги (2 соат)
- 7-күн – дам олиш.

Мусобақа олди микроциклари: 14-18, 28-30, 37-39.

Микроциклда машғулоттинг йұналиши:

- 1-күн – техник-тактик тайёргарлик (2,5 соат)
- 2-күн – техник-тактик тайёргарлик (2,5 соат)
- 3-күн – ўйин тайёргарлиги (2,5 соат)
- 4-күн – дам олиш
- 5-күн – техник-тактик тайёргарлик (2,5 соат)
- 6-күн – ўйин тайёргарлиги (2 соат)
- 7-күн – дам олиш.

Мусобақа микроциклари: 19-31, 40.

Мусобақа микроцикларыда кетма-кет 3-4 ўйин ўтказилади.

## **Иккинчи йил шуғулланувчи ўқув-машғулот гурұхлары учун хафталик микроцикллар йұналиши ва ракамлары**

Умумий тайёргарлик микроцикллари: 1-4, 10-13, 20-25, 32-34,  
41-46.

Микроциклда машғулотнинг йұналиши:

1-күн 1-машғулот 1 соат – жисмоний тайёргарлик

2- машғулот 1,5 соат – техник-тактик тайёргарлик

2-күн 1-машғулот 2 соат – жисмоний тайёргарлик

3-күн 1-машғулот 1,5 соат – техник тайёргарлик

2-машғулот 1,5 соат – техник-тактик тайёргарлик

4-күн – дам олиш

5-күн 1-машғулот 2 соат – жисмоний тайёргарлик

6-күн 1-машғулот 2,5 соат – ўйин тайёргарлиги

7-күн – дам олиш.

Махсус тайёргарлик микроцикллари: 5-6, 14-16, 26-28, 35-37.

Микроциклда машғулотнинг йұналиши:

1-күн 1-машғулот 1 соат – техник-тактик тайёргарлик

2-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

2-күн 1-машғулот 2 соат – жисмоний тайёргарлик

3-күн 1-машғулот 2 соат – ўйин тайёргарлиги

4-күн – дам олиш

5-соат 1-машғулот 1 соат – техник-тактик тайёргарлик

2- машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

6-күн 1-машғулот 2 соат – ўйин тайёргарлиги

7-күн – дам олиш.

Мусобақаолди микроцикллари: 7-8, 17-18, 29-30, 38-39.

Микроциклда машғулотнинг йұналиши:

1-күн 1-машғулот 1 соат – техник-тактик тайёргарлик

2-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

2-күн 1-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

3-күн 1-машғулот 2,5 соат – ўйни тайёргарлиги

4-күн – дам олиш

5-күн 1-машғулот 2,5 соат – техник-тактик тайёргарлик

6-күн 1-машғулот 2 соат – ўйин тайёргарлиги

7-күн – дам олиш.

Мусобақа микроцикллари: 19,31,40

Мусобақа микроциклларида кетма-кет 3-4 ўйин ўтказилади.

## **Учинчи йил шуғулланувчы үқув-машғулот гурухлари учун хафталик микроцикллар йўналиш ва рақамлари**

• Умумий тайергарлик микроцикллари: 1-3, 10-13, 20-24, 32-35.

• Микроциклда машғулотнинг йўналиши.

• 1-кун 1-машғулот 1 соат – тезлик ва сакровчанликни такомиллаштириш

• 2-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

• 2-кун 1-машғулот 1 соат – ўйинда чаққонликни такомиллаштириш

• 2-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

• 3-кун 1-машғулот 1 соат – тўпни отиш учун зарур бўлган сифатларни такомиллаштириш

• 4-кун 1-машғулот 2 соат – индивидуал тайёргарлик

• 5-кун 1-машғулот 1 соат – тезлик ва сакровчанликни такомиллаштириш

• 2-машғулот 1 соат – техник-тактик тайёргарлик

• 6-кун 1-машғулот 2 соат – ўйин тайёргарлиги.

Махсус тайёргарлик микроцикллари: 4-6, 14-16, 25-28, 36-39.

Микроциклда машғулотнинг йўналиши

• 1-кун 1-машғулот 1 соат – сакровчанликни такомиллаштириш

• 2-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

• 2-кун 1-машғулот 2 соат – чаққонликни ривожлантириш

• 3-кун 1-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

• 2-машғулот 1 соат – ўйин тайёргарлиги.

• 4-кун 1-машғулот 2 соат – индивидуал тайёргарлик

• 5-кун 1-машғулот 1 соат – ўйиндаги чаққонликни такомиллаштириш

• 2-машғулот 1 соат – техник-тактик тайёргарлик

• 6-кун 1-машғулот 2 соат – ўйин тайёргарлиги

• 2-машғулот 1 соат – назарий тайёргарлик.

Мусобақаолди микроцикллари: 7 ва 8, 17 ва 18, 29 ва 30, 40 ва

41.

Микроцикл машғулотларининг йўналиши

• 1-кун 1-машғулот 1 соат – техник-тактик тайёргарлик

• 2-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

• 2-кун 1-машғулот 2 соат – ўйин тайёргарлиги

3-кун 1-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик  
2-машғулот 1 соат – ўйин тайергарлиги.

4-кун 1-машғулот 2 соат – индивидуал машғулот, тикланиш тадбирлари

5-кун 1-машғулот 1 соат – техник-тактик тайёргарлик  
2-машғулот 1 соат – техник-тактик тайёргарлик  
6-кун 1-машғулот 2 соат – ўйин тайёргарлиги  
2-машғулот 2 соат – ўйин тайёргарлиги – назарий тайёргарлик.

Мусобақа микроцикллари: 9, 19, 31, 42.

4-6 тақвим ўйини ва улар орасида тикланиш машғулотлари ўтказилади.

### **Бешинчи йил шүгілланувчи ўқув-машғулот гурұхлари учун ҳафталик микроцикллар йұналиши ва рақамлары**

Умумиәт тайергарлик микроцикллар: 1-3, 10-12, 20-23, 32-38.

Микроцикл машғулотларининг йұналиши

1-кун 1-машғулот 1 соат – жисмоний тайёргарлик  
2-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик  
2-кун 1-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик  
2-машғулот 1 соат – жисмоний тайёргарлик  
3-кун 1-машғулот 2 соат – ўйин тайёргарлиги  
4-кун 1-машғулот 2 соат – индивидуал машғулот  
5-кун 1-машғулот 1 соат – жисмоний тайёргарлик  
2-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик  
6-кун 1-машғулот 2 соат – ўйин тайергарлиги  
7-кун – дам олиш.

Махсус тайёргарлик микроцикллари: 4-6, 13-15, 24-27, 39-43.

Микроцикл машғулотларининг йұналиши

1-кун 1-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик  
2-машғулот 1 соат – техник-тактик тайёргарлик  
2-кун 1-машғулот 1 соат – жисмоний тайёргарлик  
2-машғулот 2 соат – техник-тактик тайёргарлик  
3-кун 1-машғулот 1 соат – жисмоний тайёргарлик  
2-машғулот 2 соат – ўйин тайергарлиги  
4-кун 1-машғулот 2 соат – индивидуал машғулот

5-кун 1-машгүлөт 1 соат – жисмоний тайёргарлик

2-машгүлөт 2 соат – ўйин тайергарлиги

6-кун 1-машгүлөт 2 соат – тақвим ёки назорат ўйини – назарий тайёргарлик

7-кун – дам олиш.

Мусобақаолди микроцикллари: 7 ва 8, 16 ва 18, 28 – 30, 44-46.

Микроцикл машгүлөтларининг йўналиши.

1-кун 1-машгүлөт 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

2-кун 1-машгүлөт 2 соат – техник-тактик тайёргарлик

2-машгүлөт 2 соат – ўйин тайёргарлиги

3-кун 1-машгүлөт 1 соат – жисмоний тайёргарлик

2-машгүлөт 2 соат – ўйин тайёргарлиги

4-кун 1-машгүлөт 2 соат – индивидуал машгүлөт

5-кун 1-машгүлөт 1 соат – жисмоний тайёргарлик

2-машгүлөт 2 соат – ўйин тайергарлиги

6-кун 1-машгүлөт 2 соат – тақвим ёки назорат ўйини – назарий тайёргарлик

7-кун – дам олиш.

Мусобақа микроцикллари: 9, 19, 31, 47.

4-6 тақвим ўйинлар ва улар орасига тикланиш машгүлөтлари ўтказилади.

#### 1.4. Амалдай машгүүлэгчийн дастүрийн материалдар

#### ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИК

**Дастлабки тайёргарлик босклии ва 4 ишлэгч ўкув-машгүүлэгчийн ўкув материалын**

#### Хүжүүн техникиаси

Үзүүн усулнари	Дастлабки тайёргарлик			Үкув – машгүүлэгчийн		
	Үргатилсан иши					
	1-й	2-3-й	1-и	2-й	3-и	4-й
Хүжумчийн дастлабки холаты	+	+	+			
Йүналишины ўзгартыриб югуриш	+		+			
Тезникини ўзгартыриб югуриш	+	+	+			
Елка билан олдинга югуриш	+	+				
Олди ва орка билан олдинга югуриш	+	+	+			
Макисимон югуриш	+	+	+			
Ен томонга қадамни катта тащтаб илонизисимон югуриш			+	+		
Депсиний сакраб югуриш			+	+		
Бир ва иккя сөхдэд олдинга, ёнга, юкорига сакраш	+	+	+			
Аввал үүлга, кеиний күүрэгээ түшийн ишүүлиши				+	+	+
Сонгтар оркалийн ишүүлийн, орка томонга ўтиб кетиш				+	+	+
Жоңда түүни иккя күллэб илиши	+					
Сакраб иккя күллэб түүни илиши	+	+	+			
Үнг ва чал томондан түүни илиши		+	+			
Етийн келмаган ва ўтиб кетаётган түүни илиши		+	+	+		
Юкори ва пас өдэн үзүүлийн түүни илиши	+	+	+			
Ерда думалаб кетаётган түүни илиши	+	+	+			

Ердан сапчыб кетаётган түпнин илиши		+	+			
Қадам ташлаб түпнин илиши	+	+	-			
Югурғиб ҳаракат қылғаб түпнин илиши	+	+	+			
Қарши учиб ке таётган түпнин илиши	+	+				
Фаол қаршиликда иккى құллаңб түпнин илиши			+	+		
Катта тәзликда келаётган түпнин илиши			+	+		

*Местобий кисем*

Үйнин усуллари	Дастылбын тайерғарылған		Үқүв-машынот боскичи			
	1-й	2-3 й	1-й	2-и	3-й	4-й
Бир құллаңб түпнин илиши						
Бир құллаңб түпнин бармоқдар билан ушлаб илиши						
Жойнда туриб ва ҳаракатда ердан сапчыған түпнин иккى құллаңб илиши					+	+
Жойнда туриб иккى құллаңб түпнин итариб узатиш				+		+
Жойнда туриб түпнин бир құллаңб силкитіб узатиш	+					
Түпнин юқоридан сиятаб узатиб, сұңғ ҳаракатта үтиш			+			
Түпнин ён томондан сиятаб узатиб, сұңғ ҳаракатта үтиш	+					
Оддий қадамларда ҳаракатда түпнин узатиш	+					
Юриб ва югурғиб қайтсызмөн қадамларда түпнин узатиш	+					
Шерік билан бир ҳыл ішнәлишида ҳаракат қылғаб түпнин узатиш			+	+		
Түрги траекторияда түпнин узатиш	+	+				
Ёйсіз траекторияда түпнин узатиш			+	+		
Ердан сапчытыб түпнин узатиш			+	+		

Ердан сапчыб ултurmаган түнни илиб узатини				+	+	
Бир күллаб түп узатини			+	+		
Орқадан айлантириб панжа билан түп узатини				+	+	+
Түпни юқорисидан ушлаб панжа билан түп узатини				+	+	+
Сакраб бурилиб түп узатини			+	+		
Тусеклар орасидан үтиб түп узатини		+	+	+		
Жойнда түриб түпни ерга бир-бир уриб харакат қилиши	+					
Жойнда түриб түпни ерга күп марталаоб уриб харакат қөниш	+	+				
Түгри йұналишда түпни ерга уриб олиб юриши	+	+				
Йұналишларни ұзғартириб түпни ерга уриб олиб юриши	+	+	+	+		
Тезликкни ұзғартириб түпни ерга уриб олиб юриши	+	+	+			
Баланд сапчытиб түпни олиб юриши	+	+				
Паст сапчытиб түпни олиб юриши	+	+	+	+	+	+
Бир күлдә ерга уриб олиб келаёттан түпни орқа томон иккінші қүлігә ұтказиши				+	+	+
Бир неча фаол ҳаракат күтүв-чи химояндарни айланыб үтиб, түпни ерга уриб олиб юриши				+	+	+
Олдинга ташланған түпни олиб, сунг орқага уриб олиб юриши		+	+	+		
Жойнда түриб юқоридан силтаб отиш	+	+				
Юғурғиб келиб горизонтал траекторияда түпни отиш	+	+	+			
Хар хил траекторияда түпни отиш			+	+	+	+
Хар хил траекторияда учыб келаёттан түпни олиб, сүні отиш					+	+
Түпни сапчытиб отиш	+	+	+			
Түпни силтаб сапчытиб отиш			+	+	;	+
Түпни сапчытиб айлантириб отиш					;	+
Олдинга қалмаша қадам ташлааб түпни отиш		+	+	+	+	+

Орқага чалмаш қадамлар ташлаб тұн отиши				+	+	+
Ен томонға қадамлаб ҳаракат қылғып тұн отиши					+	+
Гавданың үнг томонға әгіб таяниб тұн отиши			+	+	+	+
Гавданы чап томонға әгіб таяниб тұн отиши			+	+	+	+
Жойда гүриб ен томондан силтаб тұн отиши		+	+			
Ютүргіп ен томондан чалмаш қадамлар ташлаб тұн отиши		+	+	+	+	+
Айланып ен томондан тұн отиши				+	+	+
Сөзларда десиниб сакраб тұн отиши	+	+	+	+	+	+
Хар хил оектарда десиниб сакраб тұн отиши				+	+	+
Ейсімни траекторияда келаёт-тан тұнни оліб сакраб отиши				+	+	+
Сакраб, гавданың үнг томонға әгіб тұн отиши				+	+	+
Сакраб гавданы чап томонға әгіб тұн отиши (күл бөш ортидан силтаниб)				+	+	+
Сакраб гавданы чап томонға әгіб тұн отиши (күл орқа томондан силтаниб)				+	+	+
Каршилик сез тұнни әгаллаоб, таянмаган қолда отиши					+	+
Зонаға (худудға) сіріп кириб таянмаган қолда тұнни әгаллаоб отиши						+
Йиқилип тұн отиши (күлшарға түшиб)			+	+	+	+
Йиқилип тұн отиандан сүңі оек ва күлшарға түшиши	+	+				
Чап-үнг томонға десиниб, ийкілип тұн отиши					+	+
Йиқилип, ҳар хил оектарға түшип тұн отиши				+	+	+
Үнг оек билан десиниб йиқилип тұн отиши						+
Чап оек билан десиниб йиқилип тұн отиши					+	+
Тұн отаёттан күл томонға айланып йиқилип тұн отиши				+	+	+
Иккі оекта таянған қолда жарима тұн отиши	+	+	+	+	+	+
Бир оекта таяниб жарима тұн отиши			+	+	+	+

Ниқилиб жарима түп отишни бажариш			+	+	+	+
Иккى сөкдә туриб ниқилиб жарима түп отишни бажариш				+	+	+
Маълум бир ўйин амплуаси тавсифини хисобга олган холда уларнинг үсулларини такомиллаштириши			+	+	+	+

Ҳимоя техникаси

Ўйин үсуллари	Дастлабки тайёргарлик		Ўқув-машинот босқичи			
	Ўргатиш йили					
	1-й	2-3 й	1-й	2-й	3-й	4-й
Ҳимоячининг туриш ҳолати	+	+	+			
Харакатлар	+	+	+			
Ҳимоячининг туриш ҳолатида олдинга-оркага ҳаракат қилиш	+	+	+	+	+	+
Жойида туриб тўпни ерга уриб юрганда, тўпни уриб чиқарип	+	+	+			
Қадамлаб ёки ютуриб тўпни ерга уриб олиб юрилган тўпни уриб чиқарип		+	+	+	+	+
Параллел ҳаракатда ерга уриб олиб юрилган тўпни уриб чиқарип		+	+	+	+	+
Жойида туриб юкоридан иккى қўллаб тўпни тўсипи	+	+	+			
Сакраб, юкоридан иккى қўллаб тўпни тўсипи		+	+	+	+	+
Пастдан, ендан бир қўллаб тўпни тўсипи	+	+	+	+	+	+
Ҳужумчи билан параллел ҳаракатда тўпни тўсипи			+	+	+	
Тупсиз ўйинчанин тўсипи	+	+	+	+	+	+
Тўп билан бўлган ўйинчанин тўсипи		+	+	+	+	+
Ўйинчанин тўсипи			+	+	+	+
Таянган холда отилисан тўпни олиб қўниш				+	+	+
Сакраб отилиган тўпни олиб қўниш					+	+

Дарынчабонининг туриш көлтати	+	+	+		
Дарынчада ҳаракат күлиши		+	+	+	
Жойнда түриб икки күллаб түпни ушлаб қолиш	+	+			
Жойнда түриб юкоридан бир күллаб түпни ушлаб қолиш	+		+	+	+
Сакраб, юкоридан бир күллаб түпни ушлаб қолиш		+	+		+
Бир күллаб си томондан түпни ушлаб қолиш	+	+	+	+	+
Паст томондан бир күллаб түпни ушлаб қолиш	+	+	+		
Оек билан ҳаттаб түпни кайтариш		+	+	+	+
Оекларни бир-бирига жуфт-лантириб түпни кайтариш	+	+	+	+	+
Олдинга сапчиб икки оек билан түпни кайтариш			+		+
“Шиагат” да түпни кайтариш			+	+	+
Түпни дарвоза ортига уриб кайтариш			+	+	+
Икки күллаб түпни майдонга қайтариш		+	+	+	+
Бир күллаб түпни майдонга қайтариш				+	+
Майдондан сапчиб келган түпни ишиц	+	+	+		
Майдон ўйинчиларни техни-каси	+	+	+	+	+

## **Үйкүв-машғулот босқиччи 5-йил шуғулланувчилари учун үйкүв материаллари**

### **Хужум техникаси**

Маълум бир ўйин амплуаси тавсифи билан усуллар такомиллаштирилади. Аввалдан ўрганилган ўйин усуллари жамоадаги ўйинчилар амплуаси, жисмоний тайёргарлиги ва материалларни индивидуал ўзлаштириши усули асосида такомиллаштирилади.

#### *Иккинчи қатор хужумчи ўйинчилар учун*

**Ҳаракатланиш.** Югуриш: қисқа масофага сакраб, чалмаш қадамлар билан, ўнг ва чап ён билан қадамма-қадам, оддий қадам, кенг ва қисқа, олдинга қараб, ён билан, орқа билан олдинга; бир ва икки оёқда тўхташ; бир ва икки оёқда юкорига ва узунликка сакрашларни такомиллаштириш. Тўпни эгаллаб юриш.

Жойида туриб, ҳаракатда ва сакраб гавдани бурмасдан икки кўллаб тўпни илиш. Бир кўллаб тўпни илиш. Бир кўллаб тўпни узатиш (силтаб, итариб), кафт (қисм) билан жойида, ҳаракатда, югуриб, бир, икки, уч қадамдан сўнг, сакраб юқори тезликда келган тўпни тўхтатиб, ердан сапчиб келган, химоячи яқинида ҳар хил йўналишдаги тўпларни илиш. Ҳаракатдаги шеригига узун ва қисқа масофага тўп ўзатиш. Тўпга қарамасдан тўпни ерга уриб олиб юриш ва максимал тезликда таъқиб қилиб келаётган рақибдан қутилиш мақсадида ҳаракат қилишни такомиллаштириш. Тўпни бир кўллаб юқоридан, ёндан, чап ва ўнг томонга гавдани буриб, таяниб, сакраб ҳар хил ҳаракатда узок ва яқин масофадан, ҳар хил траекторияда тўп узатиш.

#### *Биринчи қатор ва ён бурчак ҳужумчилари учун*

**Ҳаракатланиш.** Қисқа бўлакли масофаларга кенг ва майда қадамларда тезланиш, ҳаракат йўналишини ўзгартириб ҳаракат қилишни такомиллаштириш. Ўнг ва чап оёқда депсиниб ён томонларга сакраш. Тўпга эгаллаб юриш.

Бир ва икки кўллаб (олдиндан ва ён томондан) юқори тезликда ҳаракат қилиб (химоячилар яқинида) тўпни илиш. Юқори тезликда йўналишларни ўзгартириб, ҳар хил томонларга бурилиб тўпни ерга уриб олиб юриш. Бир кўллаб (юқоридан, ёндан, пастдан) гавдани ўнг ва чап томонларга эгиб, ҳар хил траекторияларда,

узунлика ва юқорига сакраб түпни отиш. Жойдан югуриб, таяниб ва сакраб бир күллаб йикилиб (күл ва ёнбошга) түп отиш.

### *Биринчи қатор хужумчи (дарвоза майдони чизиги бўйлаб) ўйинчилари учун*

Дарвоза майдони чизигига оёқ товоналарини тўғри кўйиб юриш ва югуриш харакатларини такомиллаштириш. Бир ва икки оёқни тўғри кўйиб сакраш. Жойида ва харакатда кўлга, ёнбошга, гавдага йикилишни ўрганиш. Тўп эгаллаб юриш. Жойида (оёқларни силжитмасдан) бир ва икки кўллаб тўпни илиш. Ҳимоячилар яқинида харакатда олдинга, ёнга ва орқа билан сакраб йикилишларни ўрганиш. Бир ва икки кўллаб (тўпга бир марта тегиб) тўп узатиш. Кейин ўйинчилар орасида тўп узатишни такомиллаштириш. Ҳар хил йўналишдаги харакатларни дархол ўзгартириб, айлануб тўпни ерга уриб олиб юриш. Рақиблар қаршилигига юкори тезликда тўпни ерга уриб олиб юришни такомиллаштириш. Бир ва икки оёқда депсиниб бир ва икки кўллаб юкоридан, ёндан, йикилиб тўп отиш. Оёқлар орасидан икки кўллаб орқага тўп отиш. Таянган холатда бир кўллаб жойидан, ёндан сапчитиб тўп отиш. Жойидан, югуриб келиб сакраб, юкоридан, ёндан бир кўллаб сапчитиб тўп отиш.

### **Ҳимоя техникаси**

Жамоада кўлланадиган химоя тизимида ўзининг “амплуа”-сига тегишли олдиндан ўрганилган усулларни такомиллаштириш. Индивидуал қобилиятларга (баланд бўй, паст бўй, тезкор, суст ва бошка) эга бўлган ўйинчиларга қарши олдиндан ўрганилган усулларни ва уларга қарши жамоада бажариладиган маълум вазифаларни такомиллаштириш.

### **Дарвозабон техникаси**

Жисмоний тайёргарликни мунтазам ривожлантириш асосида олдиндан ўрганилган усулларни такомиллаштириш. Бир (силтаб, кенг қадам ташлаб, “шпагат”да) ва икки оёқлаб (бириктириб, олдинга сапчиб): тўпни юкоридан бир кўллаб, пастдан, ёндан (силтаб ва силтамасдан) тўпни ушлаб олиш. Кейинчалик илиш учун тўпни дарвоза ортига, майдон устига қайтаришга қаратилган машқлар.

## ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛЫК

### Бошланғыч тайёргарлық ва 4 йиллик үқымашуот учун үқымашуотлари

#### *Хәкесүм тақтикасы*

Үйнин үсуллари	Дастанбеки тайергарлык		Үқымашуот босқыны			
	Үргатиш ныли					
	1й	23й	1й	2й	3й	4й
Химоячидан күтилиш	+	+				
Химоячиларни түтиш учун очык ҳаракат		+	+	+	+	+
Химоячиларни өзи билан олиб кепиш учун очык ҳаракат				+	+	+
Сон жиһатдан устунылкка өзө булиш учун ҳаракат		+	+	+	+	+
Шерікларга қарши ҳаракатта түп узатишини ўзгартыриш	+	+				
Бир хил йұналишда ҳаракат қилиб түп узатишини ўзгартыришини күллаш	+	+				
Түп узатишини күзатып ҳаракат қилишини күллаш			+	+		
Шерікларга қарамай, улар томон ҳаракат қилимаң түп узатишини күллаш				+	+	+
Очиқ ҳолатта түп отишини күллаш	+	+	+	+	+	+
Алдамчи ҳаракат (финг) қылғанда химоячи ҳаракатидан сүнг еңік ҳолатта күп отишини күллаш			+	+	+	+
Химоячи ортада туриб дарвозабонга күрінімаган ҳолатта түп отишини күллаш				+	+	+
Қарши ҳаракатта түпсіз алдағ өтиши (бир томонға бир қадам қилиб башқа томонға үтиб кепинин) күллаш	+	+	+			

Карши ҳаракатда түпсиз ўнг томон кетишини күрсатыб, лекин чап томонда ўтиб кетишини құллаш		+	+	+	+	+
Параллел ҳаракатда, түхтаб ҳаракат ішіндеңнен үзгартыришини құллаш		+	+	+		
Карши ҳаракатда түп билан алдамчи ҳаракат қылғы болықта томонға түпни ерга уриб олиб югуришини құллаш		+	+		+	
Түпни ерга уриб олиб юриб чап томонға утишини күрсатыб, аммо ўнг томонға утиб кетишини құллаш				+	+	+
Юқоридан түп отишини күрсатыб, аммо ён томондан түп отиши			+	+	+	+
Түп бінан параллел ҳаракатда, түхтаб ғимоячы ортига ўтиб кетиши			+	+	+	+
Алдамчи ҳаракатда түп отиши ва ўтиб кетиши		+	+	+		
Маълум ҳола іда алдамчи ҳаракат			+	+	+	+
Химоячыға билдиirmай ўтиш		+	+			
Ұзатылған түпни олиб қўйиш		+	+			
Шеригининг индивидуал қобилятини ҳисебға олиб тақомишағынан					+	+
Ракиб химоячиларини индивидуал қобиляғларини ҳисебға очыб тақомишағынан					+	+
<i>Гурдуши ҳаракаттар</i>						
Бир химоячыға қарши иккى ҳужумчи ҳаракатлари		+	+			
Иккى химоячыға қарши уч ҳужумчи ҳаракатлари		+	+			
Химоячиларни торімасдан иккى ҳужумчининг параллел үзаро ҳаракатлари		+	+	+		
Химоячиларни тортмасадан уч ҳужумчининг параллел үзаро ҳаракатлари		+	+	+	+	
Иккита бүлиб химоячиларни ўзига жалб қылғы параллел үзаро ҳаракат		+		+		
Химоячиларни жалб қылғы 35 үйнен бүлиб параллел ҳаракаттар			+	+	+	+

Чалмаш ҳаракатлар		+	+	+	+	
Үч үйинчи бўлиб ўзаро чалмани ҳаракатлар		+	+	+	+	
Шериги ҳужум чизигининг ички тарафидан тўсик қўйиш			+	+	+	+
Шериги ўтиб дарвозага тўи отиши учун тўсик қўйиш		+	+	+	+	+
Чизик бўйлаб ўнаидишан үйиничи кутилиши учун тўсик қўйиш		+	+	+	+	+
Бурчак үйиничисини кутилиши учун тўсик қўйиш			+	+	+	+
Ярим ҳужумчи учун тўсик қўйиш				+	+	+
Ракқоби үчин майдонида кузатиб тўсик қўйиш				+	+	+
Яқин масофадан тўп отиш					+	+
Ҳудуди а тўсик қўйиш						+
Ён чизикдан тўп ташланганда ўзаро ҳаракат		+	+	+		
Эркин тўп ташланганда ўзаро ҳаракат		+	+	+	+	+
Индивудуал ва гурӯхли ҳаракатларда комбинация				+	+	+
Маълум шерик билан маълум ҳаракатларни тақомиллаштириш					+	+
<b>Жамоатий ҳаракатлар</b>						
Химоячининг туриш ҳолати		+	+	+		
Ҳаракатлар		+	+	+		
2-4 бурчак үйинчилари билан бметрли чизик ёнида позицион ҳужум қилиш					+	+
9метрли чизикда 2-4 бурчак үйинчилари билан позицион ҳужум қилиш				+	+	+
3-3 бўлиб бурчак үйинчилари билан позицион ҳужум қилиш		+	+	+	+	+
Сон жиҳатдан кам бўлиб ҳужум қилиш			+	+	+	+
Сон жиҳатдан кўп бўлиб ҳужум қилиш			+	+	+	+
Саккизликда ҳужум қилиш					+	+
Тез ёриб ўтиб ҳужум қилиш		+	+	+	+	+

**Химоя тәжірибесі**

Үйннен деңгелдіктер	Дастилабки тәйергерлік		Үқымшынан бөсекічі			
	Үргатыш иелі					
	1и	23 и	1и	2и	3и	4и
<i>Інновациялық характерлер</i>						
Маңылум масофада түпсіз ракибнің таъқиб қилиш	+	+				
Яқин масофада түпсіз ракибнің таъқиб қилиш		+	+	+	+	+
Маңылум масофада түп билан бұлған ракибнің таъқиб қилиш		+		+		+
Түп билан ракибнің таъқиб қилиші олдандын чиқиб ва қайтиб				+		
Дарвозадан узоқда бұлған ракибнің таъқиб қилиш		+	+			
Яқшы масофада түп отиш ҳудудидан ракиб харакатинің таъқиб қилиш		+	+	+		
Түпсіз ракиб қобиляниятинин қисебетінде отсан ҳолда үннинг харакаттаринің таъқиб қилиши (баланд булып, іззекор, чапақай)		+	+	+	+	+
Шу кабіп, түп билан		+	+	+	+	+
Ічкі түсінідан күтілиши			+	+		
Ташкин түсінідан күтілиши			+	+		
Харакатда (күреатиб, чиқиб, қайтиб) алдамның харакат қилиш	+	+	+	+	+	+
<i>Гүзүшілік характерлер</i>						
Алдамның харакат орқалы түсінк қүннен (юкоридан түсінк қүйінботилған түннен түсініп)		+	+			
Шахсей химоя қилиб ҳамда шерикларта ердем қилиш	+	+				
Ҳудудді (зона) химояда шерикларинің өхтегелеші	+	+	+	+	+	+
Шериклар билан түп үзатынша киришінші			+	+	+	+
Назорат қылувчи үйніннің алмастырыб бошқа үйніннің назорат қилиш			+	+	+	+
Түсінкка қарши харакат қилиб орқага қайтиш			+	+	+	+

Бир вактда бир неча үйинчи ҳаракатини назорат килиш (әркін тұп ташлаша)			+				
Ең чызықдан тұп ташланғанда бир неча үйинчи ҳаракатини назорат килиш		+	+	+	-	-	+
Үйин давомында яқында тұрган үйинчилар ҳаракатини назорат килиш				-			+
<i>Жамағасын үзілдіктер</i>							
Тұп билан бүлгап үйинчига чиқмастан, 6,0 бұлғып ҳудудни ҳимоя	+	+	+	+	-	-	+
Олдига чиққіб, 6,0 бұлғып ҳудудни ҳимоя қилиш		+	+	+	-	-	+
Олдига чиқмастан, 5,1 бұлғып ҳудудни ҳимоя қилиш			+	+	-	-	+
Олдига чиққіб, 5,1 бұлғып ҳудудни ҳимоя қилиш			+	+	-	-	+
3,3 бұлғып ҳудудни ҳимоя қилиш				+	-	-	+
5-1, аралаш ҳимоя	+	+	+	+	+	+	+
4+2, аралаш ҳимоя			+	+	+	+	+
Сөн жілдатдан камчилиқда ҳимоя		+	+	+	-	-	+
Сөн жілдатдан үстүнлиқда ҳимоя		+	+	+	-	-	+
Тұп отилаеттан ҳудудда яқын жойда құшилмастан шаһсий ҳимоя	+	+					
Тұп отилаеттан ҳудудда яқын жойда құшилиб шаһсий ҳимоя			+	+	+	+	+
Бутун майдон бүйілаб шаһсий ҳимоя	+	+	+				
<i>Дарвозада тараптары</i>							
Дарвозада ҳолатни таңлаш	+	+	+	+			
Дарвоза майдонида ҳолатни таңлаш (чиққіб чинаш)			+	+	-	-	+
Майдондагы ҳолатни таңлаш	+	+	+	+	-	-	+
Ердан салғиб келген тұпни ушлап	+	+					
Салғиб, сиптәніб келген тұпни ушлап		+	+	+	-	-	+
Хар хил траекториядагы тұпни ушлап					+	-	+
Дарвозада туриш ҳолатида (құларни тушириб, ен томонға چүзіб, оқжадарни буқыб) алдамчи ҳаракаттар қилиш			+	+	+	+	+

Дарвозада ҳолат танлаб (олдинга, енга ҳаракат килиб) алдамчи ҳаракатлар килиши				+	+	+
Дарвозабон майдонда ҳолат танлаб (жойида, олдинга, енга ҳаракат килиб) алдамчи ҳаракат килиши					+	+
Төз ериб ўтишда хужумчилар билан ўзаро боғланиб ҳаракат килиши		+	+	+	+	+
Эркян түп ташлаш бажарылиши пайтида химоячилар билан бирга ўзаро ҳаракат				+	+	+
Майдум ўйин ҳолатида хужумчи ва химоячиларниң ўзаро алоқалари					+	+
Майдон ўйинчеси тактикаси		+	+	+	+	+

## **5-йил шуғулланувчилар учун ўқув-машғулот босқичи ўқув материаллари**

### **Ўйин тактикаси**

#### ***Индивидуал ҳаракатлар***

Очиқ ва ёпиқ ҳолатларда тўп отишни кўллаш, тўп отиш йўналишини танлаш дарвозабон тайёргарлигининг кучли ва ожиз томонларини ҳисобга олган ҳолатда бажарилади.

Маълум бир рақиб химоячисини алдаб ўтишни танлаш ва кўллаш унинг кучли ва ожиз томонларини ўрганиш асосида амалга оширилади.

#### ***Гурухли ҳаракатлар***

Маълум бир ўйин бўлакларида шерикларнинг ўзаро ҳаракатлари; иккинчи қатор ўйинчиларининг бир-бирлари билан хужумни яқинлаштириш учун ўзаро ҳаракат қилиши; иккинчи қатор ўйинчиларининг чизик бўйлаб ўйновчи ўйинчи билан ўзаро ҳаракатлари; бурчакда ўйновчи ўйинчиларнинг чизик бўйлаб ўйновчи ўйинчилар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатлари.

#### ***Жамоавий ҳаракатлар***

2:4 тизимида жойлашиб, ҳудудга хужум қилиш. Олдинга чиқиб, 6:0 ва 3:3 химояга қарши хужум қилишни такомиллаштириш. Тез ёриб ўтиш хужумини такомиллаштириш.

### **Химоя тактикаси**

#### ***Индивидуал ҳаракатлар***

Ўзининг фаол ўйини билан рақибнинг ўйлаган режаларини барбод қила билиш.

#### ***Гурухли ҳаракатлар***

Жамоа қўллаётган ҳимоя тизимиға боғлиқ ҳолда, маълум бир ўйин бўлакларида шериклар билан ўзаро ҳаракатлар.

#### ***Жамоавий ҳаракатлар***

3:3 ҳимоя тизимида ҳудудли жойлашиш. Аввалдан ўрганилган ҳимоя тизимини такомиллаштириш. Сон жихатдан кам бўлиб ҳимоя қилиш (5:6, 4:6).

## **Дарвозабон тактикаси**

### ***Индивидуал ҳаракаттар***

Дарвозабоннинг ўйин майдонидаги ҳолатини танлашини такомиллаштириш. Дарвозабоннинг алдамчи ҳаракатлари: ҳолат танлаш (олдинга чиқиш; дарвоза томон силжиши), туриш (оёқларни кенг кўйиб; оёқларни букиб ва қўлларни тушириб ва ҳоказо).

### ***Жамоавий ҳаракатлар***

Химоя ва хужумда ўзаро ҳаракатларни такомиллаштириш.

## **ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК**

**(барча ёшдаги гурухлар учун)**

### **Умумий тайёргарлик машқлари**

**Саф машқлари.** Яккама-якка бир қатор орқама-орқа, оралиқли, масофали. Бир сафдан бошқа сафга ўтиш: бир қатор, икки қатор, бир ...., икки. Зич ва оралар йироқ бўлиб саф тортиб туриш. Саф тортиб туришдаги оралиқ масофа кенглиги. Саф тортиш, сафни тўғирлаш, сафда **хисоб**, жойида бурилишлар, юришдан югуришга ўтиш ва югуришдан юришга ўтиш.

**Елка ва қўллар учун машқлар.** Ҳар хил дастлабки ҳолатда (асосий ҳолатда, тизаларда, утириб, ётиб) қўлларни букиб-ёзиш, айлантириш, силташ, орқага ва олдинга силташ, иккита ва биринкетин қўлларни орқа ва олдинга ҳаракатлантириш, барча машқларни юриб **ва** юрган холда бажариш.

**Оёқлар учун машқлар.** Оёқлар учида кўтарилиш; оёқни сон қисмидан букиш; ўтириш; оёқларни ҳар хил томонга силтаб кўтариш; кенг ҳатлаб пружинасимон ҳаракат қилиш; ҳар хил дастлабки ҳолатдан сакрашлар (оёқлар бирга, елка кенглигига, бир оёқ олдинда ва яна бошқ.). Оёқларни таяниб сакраб букиш ва тўғирлаш.

**Бўйин ва гавда учун машқлар.** Эгилиш, айлантириш, гавдани буриш, ерда ётиб букилган ва тўғри оёқларни кўтариш; олди ва орқага таянган холда оёқларни ҳар хил томонга кўтариш; ётиб дастлабки ҳолатдан оёқларни бурчак қилиб кўтариш; ўтирган холда ва бошқа бир нарсага осилган холда оёқларни бурчак қилиб кўтариш; ва ушбу машқларни бир-бирига боғлаб бажариш.

Барча гурух мушаклари учун машқлар. Қисқа ва узун арқон, гантел, түлдирилган түп, кум түлдирилган қопчалар, резинали қаршилик, тайёқчалар, штанга (ўсмирлар учун) билан бажариш мумкин.

Кучни ривожлантириш машқлари. Ўз вазни оғирлигига машқлар бажариш; осилиб туриб тортилиш, таяниб қўлларни букиб тўғирлаш, бир ва иккинчи оёқда галма-гал ўтириб туриш. Ўз вазнини ва шериклар қаршилигига машқлар бажариш. Оғир нарсаларни жойдан-жойга кўчириш. Арконга тирмашиб чиқиш. Гимнастика деворида машқлар бажариш. Штанга билан машқлар: силташ, сакрашлар, ўтириб туриш. Тўлдирилган тўплар билан машқлар. Ҳар хил тренажёрларда машқлар бажариш.

Тезликни ривожлантирувчи машқлар. Паст стартдан 30-100 метргача бўлган масофага ва шундай масофага юриб ва югуриб келиб максимал тезликда югуриш. Пастга кўпроқ энгашиб югуриш. Ўзидан кўра тез югурувчилар (велосипед, тезкор спортчи) ортидан югуриш. Шерикни орасидаги масофани узайтириб унга етиб олиш шарти билан югуриш. Максимал суръатда умумий ривожлантирувчи машқларни бажариш.

Эгишувчанликни ривожлантирувчи машқлар. Кенг амплитудада умумий ривожлантирувчи машқларни бажариш. Шериклар ёрдамида машқлар (эгилиш, оёқ ва қўлларни охиригача обориш, кўприк, шпагат) бажариш. Гимнастика тайёқчага ёки тўртга бўлиб биргалашиб ўриндикини кўтариб, ҳар хил ҳолатда эгилиш, бурилиш (юкорига, олдинга, пастга, бош ортига, бел ортига); кенг қадам ташлаш ва сакраб ўтиш; бурилиш ва айлантириш. Гимнастика девори ва ўринидига ҳар хил машқларни бажариш.

Чақонликни ривожлантирувчи машқлар. Ҳар хил йўналишда қўл ва оёклар билан ҳаракат қилиш. Жойидан, юриб ва сакраб олдинга, орқага, ён томонга дўмбалоқ ошиш. Олдинга, орқага. ён томонга айланиш. Қўл, тирсак ва бир оёқни юкори кўтариб туриш. Гимнастика “отидан” таяниб сакраш. Гимнастика кўприкчаларидан депсиниб сакраш. Батутда сакраш. Гимнастика ўринидиги ва тўсинларда мувозанат саклаш машқларини бажариш. Икки-уч тенис тўпи билан ўйнаш. Ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз нишонга тўп узатиш. Бурилиб ва дўмбалоқ ошиб, сўнг тўп отиш.

“Қарши тўсиқлараро” машқ турлари: айлануб ўтиш, сакраб ўтиш, дўмбалоқ ошиб ўтиш, ҳар хил ҳаракатланиб ўтиш, бир вақтда бир неча нарсаларни (тўрт гандбол тўпини) жойдан-жойга олиб

үтиш, түпни узатыш ва илиш. Мини-футбол, катта ва стол тениси, волейбол, баскетбол, бадминтон ўйнаш.

**Тезкор күчни ривожлантирувчи машқлар.** Қарши түсіклардан баландликка сакраш, жойидан узунликка сакраш, оёқдан-оёққа сакраш. Мосламалар (ўриндик, түплар ва ҳоказо) устидан сакраб ўтиш. Чуқурликка сакраш. Зиналар бўйлаб юқори ва пастга сакраб югуриш. Чуқурлиги тиззадан ошмайдиган сувда, кумлик жойларда шиддат билан югуриш. Югуриш, сакраш, отиш элемнлари кўшилган эстафеталар бажариш. Граната, найза, диск, ядро улоқтириш. Гурух бўлиб гимнастика ўриндиғида машқлар бажариш.

**Умумий чидамлиликни ривожлантирувчи машқлар.** Бир текис масофаларни ўзгаририб (500 м, 800 м, 1000 м) югуриш. Қизлар учун уч километр, ўсмирлар учун беш километр кросс югуриш. Уч дақиқадан бир соатгача ҳар хил жойларда югуриш (ҳар хил гурухлар учун). Вақтни ҳисобга олиб ва олмасдан сузиш. Баландлик ва пастлик мавжуд бўлган тоғлик жойларда вақтни ҳисобга олиб, учдан ўн километргача юриш. Болалар ва қизлар учун вақтни ҳисобга олиб, баскетбол, мини-футбол, спорт ўйинларини ўйнаш. Марш-бросок, туристик “саёҳатлар”.

### *Махсус тайергарлик машқлари*

Тез ҳаракат ва сакровчанликни ривожлантириш учун машқлар. Тезланиш ҳар хил ҳолатда (ўтириб, туриб, ётиб) олдинга, ён ва орқа билан учдан қирқ метргача бўлган масофаларда тез югуриш. Жойида ва ҳаракатда максимал тез қадам билан югуриш. Ҳар хил ишора ва товушларга биноан шерик ортидан тўпга эга бўлиш учун мусобақалашиш. Тезкор ўйинчи ортидан йўналишни ўзгаририб (илон изи, олди ва орқа билан мокисимон югуриш ҳар хил бурилишлар) югуриш. Қиска бўлаклар якунида, ўртасида, масофа бошида сакраб югуриш. Чуқурликка сакраган, сўнг яна юқори сакраб чиқиш (битта-битталаб ва кўп марталаб). Оёқдан-оёққа кўп марта сакраш (неча марта сакрашни маълум қилиб: 10 метрдан 50 метргача). Таянч оёқда жойда ва ҳаракатда тиззани букмай сакраш. Ён томонга (битталаб ва кўп марта) жойдан “арик” устидан олдинга ва орқага интилиб сакраш. Ҳар хил оғирлик (оғир камар, болдирга биринкирилган оғирлик, оғирлаштириб тўлдирилган тўплар, гантеллар яна бошқ.) югуриш ва сакраш.

*Tüp отиш учун зарур бўлган сифатларни  
ривожлантириши учун машқлар*

Кўлнинг букиладиган қисмларини букиш, ёзиш ва қўл панжа қисмларини айланма ҳаракатлар қилиш. Ўнг ва чап қўллар бармокларни билан галма-гал девордан итарилиш. Даастлабки ҳолатда тик кўлларга таяниб ётиб, оёқ учлари жойда, кўллар билан юриб айланма ҳаракат қилиш (ўнгга ва чапга). Тик кўлларда таяниб, оёқлар шерик ёрдамида кўтарилиб, олдинга, орқага ҳаракат қилиш. Тўғри қўл ва оёқ учларига таяниб ётиб, оёқ ва кўллар билан бир вақтда депсиниб сакраб, кўллар билан карсак уриш. Қўл панжасида гантел, эспандер, теннис тўпи билан машқлар қилиш (сикиш). Резинали арқон ва гантеллар билан отиш машқларини “имитация” қилиш. Ўриндиқда ётиб, кўлларга гантел олиб, кўлларни юкорига, ёнга пастга яна бошқа ҳаракатлар қилиш. Ҳар хил вазнданаги ва катталиқдаги (теннис, эркак ва аёллар гандбол тўпи ва 1 кг гача бўлган тўлдирма тўплар) узокликка, мўлжалга тезлик билан отиш. Тошни сув устидан сапчитиб отиш. Юкорига тортиб қўйилган арқон, волейбол тўри устидан тўпни маълум бир нуқтага мўлжаллаб отиш. Жойидан, сакраб олдинга, ёнга йиқилиб кўлларга тушиш. Югуриб келиб гимнастика ўриндиғидан депсиниб сакраб тўп отиш. Югуриб келиб гимнастика кўприкчасидан депсиниб сакраб, ердаги, девордаги, дарвоздадаги белгиланган нуқтага текқазиш шарти билан тўп отиш.

*Ўйинда чаққонликни ривожлантириши учун машқлар*

Югуриб, юриб, йиқилиб, дўмбалоқ ошиб, бурилишлардан сўнг тўпни ташлаб ва уни илиб олиш. Дўмбалоқ ошиб туриб тўпни мўлжалга узатиш. Теннис ва гандбол тўпини кутилмаганда пайдо бўлган нишонга уриш. Деворга (батут) отиб, ундан қайтган тўпни илиб олиш. Девордан (батут) қайтган тўпни ўгирилиб, ўтириб туриб, сакрагандан сўнг илиб олиш. Гимнастика кўприкчасидан депсиниб юкорига сакраб учиш фазасида тўп ва тўпсиз (гавданинг вертикал ҳолатини сақлаб) ҳар хил ҳаракатларни бажариш.

Ўриндиқ устида тўпни олиб юриш, ўриндиқ устида юриб тўпни ерга уриб олиб юриш ва тўсиклар устидан ўтиб тўпни ерга уриб олиб юриш. Икки қўлни вақти-вақти билан алмаштириб икки тўпни ерга уриб олиб юриш. Тўпни ерга уриб олиб юриб шерик тўпини уриб юбориш. Максимал шиддат билан ҳар хил югуриш, сакраш, илиш, узатиш, отиш ва тўпни ерга уриб олиб юриш

машқларини бажариш. Ҳар хил кенглиқдаги қадамларда, ҳар хил тезликдеги югуриштарни бажариш.

Югуриш, тұлғы илиш, узатиш ва отиш элементларини қүшиб әстафеталар үтказыш. Шерик билан 2-3 м оралиқ мусофани сақлаб бир-бирига юзма-юз ҳар хил харакатларни бажариш.

*Махсус қидамтилеккі ривожлантириши учун машқлар.*

Югуриб, сақраб техник-тактик машқларни күп марта ҳар хил шиддатда, давомийликда ва танаффусда бажариш. Ўйин вактини күпайтириб, ҳимодан ҳужумга, ҳужумдан ҳимояга үтиб, ўкув ўйинларини үтказыш. Айланма машғулот (тезкор-куч, махсус).

## 1.5. ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАР

Замонавий спорт учун машғулот юкламалари шиддати ва ҳажмини күпайтириш ўзига хосдир. Бу спорт мактабларидә ишни ташкил этишда ўз ўрини топған. Машғулот жараёнининг муҳим вазифаларидан бири доимо жароҳатни олдини олишдир. Жароҳатлар ўкув-машғулот жараёны давомида самарали машғулот тизимиға ҳалақит беради. Күпинча гандболда жароҳат тезлик юкламаларини бажаришда юзага келади, чунки бу ҳолда мушаклар, бүғимлар максимал иш бажаришига түғри келади. Асосий сабаб тезликни кучайтириш олдиндан баданни қыздырыш машқларининг етарли бўлмаслигида ва шуғулланувчилар организмининг чарчаши ҳолатига келиб колганлигидир.

Жароҳатни олдини олиш учун тавсия қилинади:

1. Организмни етарли даражади қыздыргандан сўнг машқларни бажариш.

2. Салқин ҳавода машғулотга иссик спорт кийими кийиш.

3. Эрталаб ვაқтли максимал шиддатда тезкор-кучни ривожлантирувчи машқларни кўлламаслик.

4. Узок вакт асфалт ва бошқа каттиқ нарсалар билан тўшалган жойларда югурмаслик.

5. Мушаклар оғриганлигини сезганда юклама олишни тўхтатиш.

6. Бўшашиш машқларини кўллаш ва уқалаш.

7. Чўзилиш машқларини тўғри бажаришни билиб олиш.

**8. Тиббиёт ходимлари маслахатига кўра мушакларнинг қон билан таъминлашини яхшиловчи воситаларни кўллаш.**

Машғулотда юқори юкламаларга кўнишишга маҳсус тикланиш тадбирлари сабаб бўлади.

Мамлакатимизда турли ҳил тикланиш тизимлари ишлаб чиқилган, булардан юқори юкламалар билан ишлайдилар. Спорт мактабларида тикланиш тадбирларини ташкил этишда бу тизимга асосан фойдаланиш мумкин.

Тикланиш воситалари уч гурухга бўлинади: педагогик, иродавий, гигиеник ва тиббий-биологик.

Педагогик воситалар асосий ҳисобланади, чунки самарасиз тузилган машғулотда бошқа тикланиш воситалари бефойда бўлиши мумкин. Педагогик воситалар ўкув машғулотини тўғри тузишда тикланиш жараёнини яхшилашга қаратилади, алоҳида босқичларда ўкув-машғулот микроциклларини самараали тузишга ёрдам беради.

Махсус иродавий ўргатиш усусларини малакали рухшунослар таъсирида амалга оширилади. Аммо спорт мактабларида ўқувчиларнинг бўш вақтини бошқаришда уларнинг эмоционал ҳаракатини йўқ қилишда ва яна бошқа ҳолатларда мураббий ўқитувчи роли янада кучаяди. Бу шартлар тавсифи ва тикланиш жараёни мобайнида салмокли таъсири этади.

Гигиеник тикланиш воситалари яққол ишлаб чиқилади. Бу кун тартибига, ишга, ўкув машғулотига, дам олиш, овқатланишга талабдир. Гигиеник талабларга риоя қилиш албатта зарурдир: машғулот жойи, бинолар ҳолати ва спорт анжомлари.

Тиббий-биологик тикланиш ўз ичига қўйидагиларни олади: оқилона витаминалри овқатланиш, тиклантирувчи жисмоний воситалар. Ўкув-машғулот йигинларида овқатланишни ташкил этишда раҳбарият қўйидагиларга эътибор бериши лозим:

1. Илмий текшириш институтлари томондан тавсия этилган овқатланиш низомига риоя этиш.

2. Қишки мавсумда витаминлардан фойдаланиш, оғир юкламалар бериш, уларни меъёридан ошириб юбормасликни қатъий назорат қилиш.

3. Тиббий-биологик воситалар факат тиббий ходим ва уни назорат қилувчи томонидан белгиланади.

4. Тикланиш воситалари факат спорт иш қобилияти сусайганда ёки машғулот юкламаларини бажариш ёмонлашганда кўлланилади.

## 1.6. НАЗАРИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

### Назарий тайёргарлик учун намунавий ўқув режа

Мавзу	Бошлангич тайёргарлик боскичи				Ўкув-машғулот боскичи			
	Ўқув йили							
	1 чи	2 чи	3 чи	4 чи	5 чи	6 чи	7 чи	8 чи
Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт	1	1	-	1	-	1	1	-
Ўзбекистонда гандболнинг ахволи ва ривожланиши	1	1	1	1	1	1	1	2
Спортчиларнинг иродавий сифатини тарбиялаш	1	1	1	1	1	4	4	4
Спортчилар организмига жисмоний машқларнинг таъсири	1	1	-	1	1	2	2	4
Спорт билан шугулланувчи-лар учун гигиеник талаблар	1	1	-	1	1	2	2	-
<i>Услубий қисм</i>								
Спортда жароҳатни олдини олиш	2	1	-	1	1	2	2	3
Спорт тайёргарликнинг умумий тавсифи	-	1	1	1	1	1	-	-
Ўйин техникаси ва техник тайёргарлик асоси	1	1	1	1	1	2	2	4
Ўйин тактикаси ва тактик тайёргарлик асоси	-	-	1	1	1	2	2	4
Тайёргарликни режалаштириш ва назорат килиш						1	1	3
Жисмоний сифатлар ва жисмоний тайёргарлик	1	1	1	1	1	1	1	4
Спорт мусобакалари	1	1	1	1	1	1	1	2
Бўлажак ўйинга тайёргарлик ва ўйин натижаларининг мухокамаси	-	4	5	20	20	26	30	40
<b>Жами соатлар</b>	<b>10</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>28</b>	<b>32</b>	<b>43</b>	<b>50</b>	<b>70</b>

## **МАВЗУЛАР**

### **Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт**

“Жисмоний тарбия” тушунчаси. Жисмоний тарбия умумий маданият негизининг бир қисмдир. Ўзбекистон фукароларининг соғлиғини мустаҳкамлашда меҳнатга тайёрлаш ва Ватанни қўриклишдаги аҳамияти. Ёшларни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг роли. Спорт тасифининг асосий маълумотлари. Спорт разрядлари ва унвонлари. Спорт разрядлари ва унвонларини бериш тартиби. Гандболда ўсмирлар разряди.

### **Ўзбекистонда гандболнинг ҳолати ва ривожланиши**

Жаҳон ва бизнинг мамлакатимизда гандболнинг тарихи ва ривожланиши. Жаҳон майдонларида Ўзбекистон гандболчиларининг қўлга киритган натижалари. Жаҳон ва Ўзбекистонда гандбол билан шуғулланувчилар сони. Гандбол билан шуғулланиш учун спорт мажмуалари ва уларнинг ҳолати. Ўзбекистон миллий ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаларининг мусобақада қатнашиш якуни.

### **Спорт билан шуғулланувчилар учун гигиеник талаблар**

Гигиена ва санитария тўғрисида тушунча. Одамни қувват билан таъминловчи асосий тизимлар тўғрисидаги умумий тушунчалар. Нафас олишнинг организм фаолиятидаги аҳамияти. Ўпканинг фаолияти. Кислород талаби. Овқат ҳазм килиш органлари вазифаси. Мушаклар ишлаганда овқат ҳазм килишининг ўзига хос хусусиятлари. Умумий энергия сарф килиш ва оқилона овқатланиш тўғрисида тушунча. Спортчилар овқатланишида гигиеник талаблар. Витамин ва минерал тузлар миқдори. Овқатланиш тартиби, спорт вазнини назорат қилиш. Овқатдан заҳарланиш ва унинг олдини олиш. Терининг гигиеник аҳамияти, спорт кийими ва спорт пойабзали учун гигиеник талаблар. Спортчилар учун кунлик кун тартиби.

Ёш спортчилар кун тартибida уйқу ва эрталабки гимнастиканинг аҳамияти. Мусобақа вақтида кун тартиби. Заарли иллатлар: чекиш, спиртли ичимликлар ичиш ва ҳоказоларни олдиш олиш.

## **Жисмоний машқларнинг спортчи организмига таъсири**

Организмнинг чарчаши ва зўриқанлиги тўғрисида тушунча. Зўриқишининг сабаблари. Спортда тикланиш тадбирлари. Оғир юкламали машғулотлардан сўнг тикланиш тадбирларини ўтказиши. Қайта ишлаш учун тайёргарликни аниқлаш. Фаол дам олиш. Ўз-ўзини уқалаш. Спортда уқалаш. Ҳаммом. Спортча уқалашнинг асосий турлари ва усувлари.

### **Спортда учрайдиган касаллик ва жароҳатни олдини олиш**

Спортчиларда шамоллаш касаллиги, унинг сабаби ва олдини олиш. Спортчи организмини чиникитириш. Чиникиш турлари. Юқумли касалликлар, унинг келиб чиқиш манбаи ва тарқалиши тўғрисида умумий тушунча. Юқумли касалликларнинг тарқалиши йўллари ва шуғулланиш вақтида олдини олиш. Гандбол билан шуғулланиш жараённида жароҳат олиш, баҳтсиз ҳолларда дастлабки ёрдам кўрсатиш. Тиббиёт ходимлари келгунга қадар сунъий нафас олдириш, жароҳатланган шахсни тиббиёт бўлимларига кузатиш. Ўкув-машғулот ва мусобақаларга иштирокни вақтинча таъкидаш.

### **Спорт тайёргарлигининг умумий тавсифи**

Спорт тайёргарлиги жараёни тушунчаси. Мусобақа, ўкув-машғулот ва тикланишнинг ўзаро боғликлиги. Ўкув-машғулотни ташкил этиш шакли. Спорт ўкув-машғулоти мавсумий тавсифининг ўзига хослиги. Умумий ва маҳсус тайёргарликнинг узвий боғликлиги. Ўкув-машғулот юкламалари тўғрисида тушунча. Ўкув-машғулот ва назорат ўйинининг аҳамияти. Ихтисослашган ва индивидуаллашган спорт ўкув-машғулоти. Техник воситалар ва тренажер анжомларини кўллаш. Ёш спортчиларнинг ўкув-машғулоти умумий тавсифи: спорт ютуқларининг ўсиши, ўкув-машғулот ва мусобақа юкламаларини чеклаш, умумий жисмоний тайёргарлик аҳамияти. Шахсий машғулот: эрталабки гимнастика, техник ҳаракатлар ва жисмоний сифатларни такомиллаштириш учун индивидуал вазифалар.

### **Спортчи иродасини тарбиялаш**

Спорт фаолиятида ижтимоий вазифа асосий хисобланади. Спорт этикасини тарбиялаш. Ўкув-машғулот жараённида руҳий

тайёргарлик. Машғулотлар жараёнида спорт түшүнчеси, баҳолаш, фикрлашны шакллантириш. Жамоа олдида жавобгарликни тарбиялаш. Умумий ва маҳсус рухий тайёргарлик. Машғулотга ижодий ёндашиш. Эмоционал ҳолатни назорат қилиш, маълум мусобақаларга аник услубларни тайёрлаш.

## **Спорт тайёргарлигини режалаштириш ва назорат қилиш**

Режалаштириш турлари ва унинг моҳияти. Индивидуал тайёргарлик режасини тузиш. Тайёргарликни назорат қилиш. Тайёргарлик турларининг меъёрлари. Маҳсус меъёрларни назорат қилиш натижалари. Ўкув-машғулот жараёнини ҳисобга олиш. Йиллар давомида тайёргарликнинг индивидуал кўрсаткичлари. Тиббий назорат ҳақида асосий түшүнча. Ёш спортчиларнинг муунтазам тиббий назорати спортдаги ютукнинг асосидир. Ўкув-машғулот ва тикланиш мавсуми жараёнида ҳисобга олиш ва тестлар қабул қилиш. Томир уриши, нафас олиш чуқурлиги, машқлар тонуси. Гандболчиларнинг жисмоний ривожланиш даражаси. Артериал босим. Спорт билан шуғулланиш жараёнида ўз-ўзини текшириш. Ўз-ўзини текшириш кундалиги, унинг шакли, мазмуни, асосий қисмлари ва ёзилиш шакли. Ривожланиш натижалари.

## **Жисмоний қобилият ва жисмоний тайёргарлик**

Жисмоний сифатлар. Куч қобилияtlари турлари: шахсан куч, тезкор-куч. Мушаклар вазифаси ва тузилиши. Спорт билан шуғулланиш таъсирида мушаклар тузилиши ва вазифаларининг ўзгариши. Куч қобилиятыни тарбиялаш усулияти. Тезлик, уни намоён қилиш шакли. Тезлик ҳаракатини тарбиялаш услублари. Оддий тезлик ва мураккаб ҳаракат реакциясини тарбиялаш. Эгилувчанлик ва уни ривожлантириш. Техник ҳаракатларни эгаллашда чаққонлик қобилияти муҳимлиги тўғрисида түшүнча. Чакқонликнинг намоён бўлиш турлари. Чакқонликни тарбиялаш усулияти. Чидамлилик тўғрисида түшүнча. Чидамлилик турлари ва кўрсаткичлари. Кўп йиллик тайёргарлик жараёнида чидамлиликни такомиллаштириш усулияти.

## **Ўйин техникаси ва техник тайёргарлик асослари**

Спорт маҳоратини ўстиришда ўйин техникасининг аҳамияти тўғрисида асосий маълумотлар. Техник тайёргарлик воситалари ва услублари. Ўйин техникаси усуллари турлари. Ўйин техникаси усуллари таҳлили. Ўйин техникасини ўргатишда восита ва усулиятлар. Техник ва жисмоний тайёргарликнинг қўшилиши (бир-бирига боғликлigi). Техник усулларнинг хилма-хиллиги, техника мукаммаллиги кўрсаткичлари, вариантларнинг мақсадга мувофиқлиги. Ўйинни видеотасмаларга ёзиб, сўнг кўрсатиш.

## **Ўйин тактикаси ва тактик тайёргарлик асослари**

Тактика ва тактик тайёргарлик асосиниг мазмуни. Индивидуал, гурӯхли ва жамоавий тактик ҳаракатлар. Тактик усулларни муваффақиятли эгаллаш учун зарур бўлган қобилиятлар. Ўзаро тактик ҳаракатларни ўргатиш таҳлили. Тактик тайёргарликнинг спортчининг бошқа тайёргарликлари билан ўзаро боғлиқлиги. Видеотасмага ёзиб олинган ўйинни кўриш.

## **Спорт мусобақалари**

Спорт мусобақаларини режалаштириш, уларни ташкил этиш ва ўтказиш. Спорт турини оммалаштиришда спорт мусобақасининг аҳамияти. Спорт мусобақаси спорт маҳоратини ўстиришнинг муҳим омили сифатида.

Гандбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати, шахар ва мактаб биринчилиги мусобақаларини ўтказиш учун мусобақалар Низоми. Мусобақадаги жамоа режаси ва мусобақа Низоми билан танишиш. Гандбол ўйин қоидалари. Мусобақа ҳакамлиги. Ҳакамлар таркиби: бош ҳакам, мусобақа ҳакамлари; майдондаги ҳакамлар, котиб; вақт белгиловчи (хронометрист), ахборотчи ва уларнинг мусобақани ташкил этиш ва ўтказишдаги роли.

## **1.7. ЙЎРИҚЧИЛИК ВА ҲАКАМЛИК АМАЛИЁТИ**

Мураббий бутун ўргатиш мавсуми давомида ўзларига ёрдамчи тайёrlаши лозим, шуғулланувчиларни ўқув-машғулот ва мусобақани ташкил қилишга жалб этиб, йўриқчи ва ҳакамлик

амалиётини машғулот ва машғулотдан сўнг ўтказади. Барча шуғулланувчилар ўкув ишларининг баъзи малакалари ва мусобақада ҳакамлик килиш малакаларига эга бўлиши зарур.

Ўкув ишлари бўйича қуйидаги малакалар кетма-кет эгалланади:

- гурухни сафлантириб ва жойида, ҳаракатда бериладиган асосий буйрукларни бериш;
- гугуҳда машғулотнинг тайёрлов қисмини ўтиш учун конспект тузиш;
- жамоадош ўртоқлари томонидан бажариладиган усулларнинг хатосини аниқлаш ва тузатиш;
- мураббий назорати остида кичик гурухларда ўкув-машғулот ўтказиш;
- дарс конспектини тузиб ва умумтаълим мактаб жамоаларида дарс ўтиш;
- ўз синфи жамоасини мусобақага тайёрлашни амалга ошириш;
- синф жамоасига мусобақада раҳбарлик қилиш.

Ҳакамлик унвонини олиш учун бир шуғулланувчи қуйидаги малака ва билимларга эга булиши шарт:

- гандбол бўйича мактаб биринчилигини ўтказиш учун мусобақа Низомини тузиш;
- ўйин баённомасини юритиш;
- мураббий билан биргаликда ўкув ўйинида ҳакамлик қилиш;
- ўкув ўйинида майдонда ҳакамлик (мустақил) қилиш;
- расмий мусобақаларда майдондаги ҳакам сифатида иштирок этиш ва қотибият таркибиға кириш;
- майдондаги ҳакам сифатида ҳакамлик қилиш.

Спорт мактабини битирувчи “Жамоатчи йўриқчи” ва “Спорт бўйича ҳакам” унвонига эга бўлиш лозим.

Чуқурлаштирилган ихтисослик босқичида жамоатчи мураббий ва ҳакамлар тайёрлаш учун маҳсус семинарлар ташкил этиш керак. Семинар иштирокчилари назарий ва амалий малакалардан имтиҳон топшириб, баённомада қайд этилади. Унвонларни тақдим этиш спорт мактаблари тамонидан буйруқ ёки қарорларга биноан амалга оширилади.

## **ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИК.**

Ёш спортчиларнинг психологик тайёргарлиги умумий психологик тайёргарлик (йил давомида), мусобақага психологик тайёргарлик ва спортчилар асаб-психик тикланишидан ташкил топади.

Умумий психик тайёргарлиқда спортчининг шахсий шаклланиши, ўзаро муносабатлар, спортча интеллект ривожланиши, ихтинослашган психик вазифалар ва психомоторли сифатлар кўзда тутилади.

Мусобақага психик тайёргарлик икки бўлимдан иборат бўлади: мусобақага умумий психик тайёргарлик, бу йил давомида ўтказилади ва маълум бир мусобакада иштирок этиш учун маҳсус психик тайёргарлик.

Мусобақага умумий психик тайёргарлик мусобақанинг юкори нифузи, мусобақа таснифи, мусобақаолди ва мусобақадаги эмоционал мустаҳкамлик, мусобақа шароитида ўз-ўзини назорат кила олишга боғлиқ ҳолда шаклланади.

Аниқ белгиланган мусобақага тайёргарлиқда (мусобақаолди) иштирок этиш олдидан жанговар маҳсус тайёргарлик, ўз кучига ишонч ҳосил килиб, албатта ғалабага интилиш, ҳаяжонни бошқариш, ташки ва ички муҳит таъсирига мустаҳкам бўлиш, ўз харакатларини эркин бошқариш қобилияти, ғалаба учун керак бўлган самарали харакатларни дархол бажаришни билишлар шаклланади.

Спортчининг асаб-психик тикланишини бошқариш жараёнида асаб-психик ҳолат кучайиши бартараф этилади, ўқув-машғулотдан сўнг психик иш қобилияти тикланади. Мусобака юкламалари, ўз-ўзини тиклаш қобилияти ривожлантирилади.

Асаб-психик тикланиш сўз таъсири ёрдамида, дам олиш, бошқа бир фаoliyatga ўтиш ва бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, шу мақсадда кун тартибида УЖТ воситалари, маданий дам олиш воситалари қўлланилади.

Психологик-педагогик восита ва услублар таъсири йиллик тайёргарликнинг барча босқичлари ва мавсумларида қўлланилиши шарт. Гуруҳ ўқув-машғулотида асосий эътибор спорт интеллектини ривожлантириш, ўз-ўзини бошқариш қобилиятига, иродавий сифатларни шакллантиришга, тез фикр юритишни ривожлантириш

ва мусобақаларга умумий психик тайёргарликни хосил қилишга қаратиласы.

Тайёргарликнинг йиллик циклида психологик-педагогик таъсирларни тақсимлаш алоҳида инобатга олиниши керак.

Тайёргарлик мавсумида психологик-педагогик таъсир восита ва услубларга ажратилиб, спортчининг ахлоқий-психологик билимлари, уларнинг спорт интеллектуал ривожланишига, мусобақада қатнашиш мақсади ва вазифаларини тушунтиришга, мусобақага умумий психологик тайёр бўлиш, иродавий сифатни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Мусобақа мавсумида тайёргарлик эмоционал турғунликни такомиллаштириш, диққатни жалб этиш, беллашувларда иштирок этиш учун маҳсус психологик тайёргарликка эга бўлишга асосий эътибор қаратиласы.

Ўтиш мавсумида организмни тиклаш учун асосий эътибор асаб-психик воситалари ва услубларига қаратиласы.

Барча мавсумлар давомида спортчи хусусиятининг ахлоқий томонлари, психик ҳолатни бошқаришни такомиллаштиришга бағишлиланган услублар кўлланилади.

Бунда асосий эътибор психик тайёргарлик услублари ва воситаларини тақсимлашда ҳал қилувчи даражада спортчи психикасига, уларнинг индивидуал тайёргарлик вазифасига, ўкув-машғулот йўналишига боғлиқ бўлади.

## ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Болалар шахсиятини тарбиялаш қўшимча ўкув масканларининг асосий вазифаларидан бириди. Юқори малакали педагог бола ўз хаётида яхши инсон бўлиб етишишига керак бўлган барча яхши кобилиятларни шакллантириши лозим.

Спорт мактабларида тарбиявий ишлар куйидагилардан ташкил топади. Бунда мураббий уни ўкув-машғулот давомида ва қўшимча ўкув-машғулот йиғинларида, соғломлаштириш оромгоҳларида ва бўш вақтларида ўтказади.

Мураббий кўп йиллик спорт тайёргарлиги давомида шуғулланувчиларда аввало ватанпарварлик, ҳалоллик, интизомлилик, хушфөйллик, ўз-ўзини назорат қила олиш, чидамлилик ва жамоатчиликни (талабчанлик, кўрқмаслик ва ҳоказо) тарбияланади, одоблилик меҳнатсеварлик шакллантирилади.

### **Тарбиявий воситалар:**

- мураббийнинг педагогик малакаси ва шахсий намуна;
- ўқув-машғулот жараёнини юқори сифатда ташкил этиш;
- меҳнатсеварлик, ўзаро муносабат ва ижодийлик шароитлари;
- дўстона жамоа;
- ахлоқий рағбатлантириш тизими;
- малакали спортчилар томонидан устозлиқ.

### **Асосий тарбиявий дастурлар:**

- мактабга янги келганларни тантанали қабул қилиш;
- битирувчилар билан хайрлашиш;
- мусобакаларни (видео, телевизор) кўриш ва уларни мухокама қилиш;
- шугулланувчилар спорт фаолиятини мунтазам назорат қилиш;
- мавзуга бағишлиб байрамлар ўтказиш;
- донгдор спортчилар билан учрашув;
- театр ва кўргазмаларга экспурсия қилиш;
- мавзуга бағишлиб сухбат ўтказиш;
- шанбалик ва меҳнат йигинида қатнашиш.

Тарбиявий ишларнинг муҳим ўрни мусобакаларда ажратилиди. Ўқувчиларда умуминсоний тарбия тушунчасидан ташқари, майдонда ва майдон ташкарисида спортча кураш этикасини тарбиялашга жиддий эътибор қаратиш зарур. Мусобака олдидан шугулланувчиларни фақат ғалаба қозонишга эмас, балки учрашувда ахлоқ-иродавий сифатларни ривожлантиришга жалб этиш ҳам керак.

Мусобака жамоада тарбиявий ишларни муваффақиятли назорат қилиш воситаси бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг ўйиндаги хатти-харакатлари ва ўзига хос ҳулқини назорат қилиб, мураббий уларга зарур бўлган сифатларни шакллантиради.

## **2. ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **Услубий күрсатмалар**

Бошқаришда режалаштиришнинг мухим вазифалари билан бир қаторда, ўкув-машғулот ишларининг барча кўп йиллик тайёргарлик босқичини самарали аниқлашда назорат қилиш асос хисобланади. Ўкув-машғулот ишлари жараёнида қўйидагича хисобга олинади:

- а) жерий ўрганилаётган материалларни эгаллаш баҳоси;
- б) мусобақада жамоавий ва индивидуал кўрсаткичлар натижаларини баҳолаш;
- в) умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарликни аниқлаш учун маҳсус мусобақаларда назорат машқларини бажариш.

Дастлабки тайёргарлик гурухига болаларни саралаб олиш 9 ёшдан белгиланган. Бу гурухларга ундан ёши қаттарок бўлганларни хам қабул қилиш мумкин, агар улар гандбол билан шугулланишини хоҳлашса. Бунинг учун барча ёшдагиларга талаб меъёрлари тавсия этилади. Гурухларга иккита баланд бўйли ва иккита “чапақай”ни қабул қилиш зарур. Бу замонавий талабларга жавоб бериб, жамоа ўйинчиларини тайёrlашга имкон яратади.

Ўкув-машғулот гурухи гандболчиларининг тайёргарлигини назорат қилиш учун шугулланувчиларнинг биологик ёшини хисобга олиш зарур. Бу эса спорт мактабида шугулланиш йилини эмас, балки спортчининг ўша босқичдаги жисмоний ривожланиш имкониятини хисобга олишни назарда тутади. Шугулланувчиларнинг бир гурухдаги паспорт ёши бир йилга, биологик жиҳатдан ундан хам кўп фарқ қилиши мумкин.

12-16 ёшдаги ўсмиirlар гурухида гавда узунлиги биологик ёш билан ўзаро боғлиқдир: бўй жиҳатдан баланд болалар биологик жиҳатдан икки карра устунликка эгадир. Спорт мактабларидаги гурухларда асосан ўрта, ўртадан баланд ва баланд бўйли гандболчилар шугулланади. Бу уч хил бўйдагиларга юқори спорт малакасига эга бўлиш учун жисмоний тайёргарлиқда “мажбурий” талаблар ишлаб чиқилган. Ёш ўйинчиларнинг ёши ва гавда узунлигига таяниб тайёргарлик даражасини баҳолаш имкони яратилади.

Бўйи кўрсатилган чегарадан (паст ва баланд) ортиқ бўлган ёш ўйинчиларни индивидуал назорат қилиш орқали амалга оширилади.

Агар натижалар жадвалда кўрсатган натижаларга тўғри келмаса, у ҳолда баллар йигиндисини сония ёки сантиметрларда озроқ камайтириш имконини бериши мумкин.

Ёш гандболчилар тайёргарлигининг “мажбурий” талаблари 50 балл килиб баҳоланади. Тайёргарлик талабларининг умумий балл йигиндиси 350 баллни ташкил этади. Аммо болалар ривожлаши бир хил бўлмаслигини ҳисобга олиб, умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик бўйича комплекс тестларни қабул килишда гавда узунлиги сабабли талаблар бир хил бўлмалиги мумкин. Жадвалда гандбол билан шуғулланувчилар учун асосий сифатлар келтирилган.

Дарвозабон ўйинчини назорат қилиш ҳам шу тестлар орқали амалга оширилади, аммо комплекс машқлар ихтисослашган машқлар билан алмаштирилади. Бундан ташкари, малакали бўлиш учун бир қатор хусусиятлар мавжуд, бу амплуадаги ўйинчи тайёргарлигини назорат қилиб туриш зарур.

Тест вактида ёшни аниклашда тўлик ёш бўлиши учун олти ой ўтганда ва туғилган кунидан сўнг ҳисобга олиш зарур. Масалан, 2007 йил 10 сентябрда тест қабул қилинмоқда. Боланинг туғилган куни 1992 йил 15 ноябр, ўйинчи 15 ёшда. Масалан, ўйинчи 1992 йил 9 марта туғилган бўлса, унда унинг ёши 16 бўлади.

Ёш гандболчилар бўйи қандай тоифага тегишлилигини аниклаш учун умумий жисмоний тайёргарликни кўрсатувчи жадвалга мурожаат қилинг.

Жисмоний сафатлар ривожланиши талаблар ёрдамида 50 балл килиб аникланади. Агар гандболчи тест қўрсаткичларига биноан 346 дан 354 баллгача тўпласа, у ҳолда унинг тайёргарлигини коникарли ўрта деб ҳисобласа бўлади, 354 дан зиёди ўртадан юкори, 346 дан паст бўлса ўртадан паст ҳисобланади. Гандболда ўйинчилар турли ўйин амплуаларига бўлинади. Ҳар хил амплуа ўйинчиларининг тайёргарлиги 14 ёшдан 16 ёшгacha ишончли фарқقا эга бўлади. Ёш спортчилар билан ишлайдиган мураббийлар бу фаркни сезиши лозим, чунки бу ўқув-машғулотни режалаштиришда, ўз ўқувчиларини такомиллаштириш жараёнида ёрдам беради. 17 ёшдаги гандболчиларнинг тайёргарлигини баҳолаш дастурида баллар тўплами ўйинчилар ўйин амплуасига биноан кўрсатилган (бу ёш гандболчилардагидек бўй кўрсаткичлари билан эмас).

Спорт такомиллаштируви босқичида ўйинчи тайёргарлиги асосий мусобақа фаолиятидаги ютуклар билан аникланади. Аммо

малакани такомиллаштириш учун жисмоний тайёргарлик даражаси жуда мухим, барча ёшдаги гандболчилар ҳар бир тест вазифаси жадвалда күрсатылган натижалар даражаси 40 баллдан кам бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолда комплекс күрсаткичлар ҳар хил ёшдаги эркак ва аёл, ҳар хил ўйин амплуадаги етти хил тестдан аникланган талабларга жавоб бериши шарт.

## ***2.1. Назорат машқларини бажарии учун кўрсатма умумий жисмоний тайёргарликни баҳолаш***

### **30 метр масофага югуриш**

Баланд стартдан бажарилади. Секундомер ўйинчининг биринчи харакатидан ёқилади. Финиш умумий қўлланиладиган қоидага биноан қайд этилади.

- дастлабки ҳолат: ҳужумчи ўйинчилар бурчак ва марказда жойлашади. Марказдаги ўйинчи тўп билан дарвозага ҳужум қиласи, мураббий кўрсатмасига биноан бурчакдаги ҳужумчининг бирига дарвозага тўп отишни бажариш учун тўп узатади. Агар кўрсатма бўлмаса, марказ ҳужумчиси ўзи тўп отишни бажаради;

- худди шунинг ўзи, фақат машқни бурчакдаги ҳужумчи бошлайди.

## *5-вазиға:*

- дастлабки ҳолат: биринчи қатор ўйинчиларидан учтаси дарвоза майдони қаршисида жойлашади. Мураббий дарвоздадан 10-11 м узоқликда туради, бошқа ўйинчилар тўп билан майдонинг ўрта чизиги бўйлаб жойлашади. Ўйинчи тўпни мураббийга узатиб дарвоза томон югуради ва мураббийга қайтиб олган тўпни отиш, алдамчи ҳаракатини бажариш, чизик ёнида турган ўйинчиларнинг

бирига узатади, тўпга эга бўлган ўйинчи эса тўпни дарвозага отади. Чизик ёнида турган бошқа ўйинчилар ҳимоячи вазифасини бажаради;

- худди шунинг ўзи, факат иккинчи қатор ўйинчилари дарвоза майдони чизигида жойлашган уч ҳимоячининг тўсиш ҳаракатини бартараф этиб дарвозага тўп отадилар.

#### *6-вазифа:*

- дастлабки ҳолат: икки ёки уч ўйинчи майдони чизиги бўйлаб бир-биридан нарида туради, оралиқ – 1,5 м, мураббий тўп билан майдон марказида дарвозадан 12-13 м масофада жойлашади. Мураббий уч ўйинчининг бирига тўп узатади, ҳужумчи эса ўзининг тўпини мураббийга узатиб ва яна унга узатилган тўпни илиб дарвозага тўп отишни бажаради;

- дастлабки ҳолат: дарвоза майдони чизигида тўртта тўп (баскетбол ёки тўлдирма) кўйилади, тўплар ёнида ҳимоячилар, ўрта ярим ҳужумчи ўрнида икки ҳужумчи, улар орасида тўп билан мураббий жойлашади. Ҳужумчилар бир-бирига тўп узатишни бажарган ҳолда ерда ётган тўпларнинг бирини нишонга олиб тўп отади, ўрта ярим ҳимоячи тўп билан бўлган ўйинчига чиқади, марказий ҳимоячилар бу вақтда олдинга чиқкан ҳимоячи ўрни томон силжишади. Ярим ўрта ҳимоячи олдинга чиққандан сўнг яқин ётган тўп томон диагонал ҳолатда орқага қайтади. Мураббий машқнинг юқори савияда тез бажарилишини таъминлаш учун машқка янги тўпни киритади;

#### *7-вазифа:*

- тўп билан биринчи қатор ўйинчилари дарвозанинг чап томонида 12 м масофада, иккинчи қатор ўйинчилари ўнг томон жойлашади. Иккинчи қатор ўйинчиси 6 м чизик бўйлаб ҳаракат килиб, узатилган тўпни илиб олади ва таянч ҳолатда  $90^{\circ}$  ўгирилган ҳолатда тўпни дарвозага отади ва ўнг томондаги колоннага ўтиб кетади;

- худди шунинг ўзи, факат ҳаракатсиз ҳимоячидан фойдаланиб;

- худди шунинг ўзи, факат тўп отишни бажарувчи, тўсиқ кўювчи ҳимоячи қўллари билан ёнидан тўпни ўтказишга ҳаракат килади.

#### *8-вазифа*

- Уч ҳужумчи 9 м эркин тўп ташлаш чизигида югуриб, ён томонга қадамма-қадам ҳаракат килиб, бир-бирига тўп узатиб,

таяниб отиш харакатини бажаради. 6 м чизигида жойлашган уч химоячи қаршиисида түп билан бўлган ўйинчига чиқиш харакатини бажаради;

- худди шунинг ўзи, факат агар химоячилар чиқиш харакатини бажаришга улгира олмаса, хужумчи тўпни дарвозага йўналтиради.

*9-вазифа:*

- химоячи қаршилигисиз тўпни дарвозага таянган ҳолатда отиш;

- химоячи қаршилигисиз тўпни дарвозага сакраб отиш;

- химоячи қаршилигисиз тўпни дарвозага йиқилиб отиш;

- таянган ҳолатда сакраб, йиқилиб дарвозага тўп отиша йўйинчилар амплуасини (ўйнаш жойини) ҳисобга олиш зарур.

*10-вазифа:*

- дастлабки ҳолат: икки ўйинчи – бири чап бурчак химоячиси ва иккинчиси ўнг бурчак хужумчиси ҳолатида жойлашган. Ярим ўрта хужумчи эркин тўп ташлаш чизиги бўйлаб шеригидан тўп олиб алдамчи харакатдан сўнг химоячидан ўтиб тўпни дарвозага отади. Ҳимоячи фаол харакат қилиб хужумчи харакатини тўхта-тишга интилади;

- худди шунинг ўзи, факат хужумчи аввал алдамчи харакат ёрдамида ҳимоячи назоратидан қутилиб, сўнг эркин тўп ташлаш чизиги бўйлаб харакат қиласи ва шерикларидан тўп олиб дарвозага тўп отишини бажаради;

- ўрта ярим хужумчи юқорида берилган машқдаги дастлабки ҳолатда жойлашади. Икки химоячи эркин тўп ташлаш чизигида ярим ўрта химоячи ҳолатида жойлашади. Ҳужумчи максимал тезликда эркин тўп ташлаш чизиги бўйлаб харакат қиласи ва шеригидан тўп олиб икки химоячи қаршилигини бартараф этиб, дарвозага тўп отишини бажаради.

*11-вазифа:*

- икки химоячи дарвоза қаршисида ўртада бири олдинда, иккинчиси орқада 6 ва 10 м масофада жойлашади. Тўп билан бўлган хужумчи биринчи химоячини алдаб ўтиб ва иккинчи химоячи томонидан юқорида кўлда қўйилган тўсикни бартараф этиб, дарвозага тўп отишини бажаради;

- дастлабки ҳолат: икки химоячи дарвоза майдони чизигининг марказида, учинчи химоячи дарвоздадан 10 м узоқликдаги ҳолатда жойлашади. Ҳужумчи тўп билан биринчи химоячини алдаб ўтади,

шундан сўнг марказдаги икки ҳимоячининг қаршилигини бартараф этиб, дарвозага тўп отишни бажаради.

### **Ҳимоя ўйин техникасини такомиллаштириш учун машғулот вазифалари**

#### **Tўсиқ қўйишни такомиллаштириши**

##### **1-вазифа:**

- дастлабки ҳолат: бир ҳимоячи, яна бир ҳужумчи оралик масофа – 3-4 м. Ҳимоячининг юқоридан ва ён томондан қўйган тўсиғига ҳужумчи ҳимоячи қўлларига тўп отишни бажаради;

- худди шунинг ўзи, ҳужумчи ҳимоячи устидан, чап ва ўнг ёнидан тўп отиш бажаради, ҳимоячининг вазифаси отилган тўпни тўсишдан иборат.

##### **2-вазифа:**

- дастлабки ҳолат: ҳимоячи ҳужумчига карши жойлашган, барча ҳужумчилар тўпга эга. Мураббий ишораси ёки сигналидан сўнг ҳужумчилар олдиндан келишилган жойга тўп отиш бажаради, ҳимоячилар эса отилган тўпни тўсишга ҳаракат қиласади;

- худди шунинг ўзи, факат тўп ҳар хил томонга йўналтирилади, ҳимоячилар тўсишга ҳаракат қиласади;

- худди шунинг ўзи, факат дарвозага тўп отилгандан сўнг ҳимоячи тўсиқ қўйиб, дарвоза томон ўгирилади ва дархол сапчиб қайтган тўпга эга бўлади. Шундан сўнг кейинги тўп отиш бажарилади;

- худди шунинг ўзи, дарвозага тўп отиш бажарилгандан сўнг ҳимоячи ва ҳужумчи дарвозадан қайтган тўпга эга бўлиш учун курашга киришади.

##### **3-вазифа:**

- ўйинчилар шерик бўлиб бир-биридан 3-4 м оралик масофада жойлашади ва улардан бири ҳимоя ҳаракатларини бажаради, унинг шериги уларни қайтаради. Мураббий ишорасидан сўнг биринчи ўйинчи дарвозага тўсиқ қўйиш ҳаракатини бажаради;

- дастлабки ҳолат: ўйинчилар бир-бирига 3-4 м оралиқ масофада юзма-юз жойлашади, тўп билан бўлган ўйинчи алдамчи ҳаракат бажаради. Қарама-қаршисида турган ўйинчи ҳимоя ҳаракатларини бажаради.

##### **4-вазифа:**

- дастлабки ҳолат: дарвозабон майдони чизигида икки ҳимоячи чап ўрта ярим, бир ҳимоячи ўнг томонда, улар қаршисида

икки қатор хужумчилар жойлашади. Икки ҳимоячи қаршисидаги қатор хужумчиларнинг биринчиси тўпни иккинчи қаторда турган шеригига узатади, у тўпни илиб, тўп отиш харакатини имитация қиласи ва тўпни қайтаради. у ўз навбатида ҳимоячи тўсигини бартараф этиб дарвозага тўп отади. Ҳимоячилар фаол харакат қиласи;

- машқда уч ўйинчи иштирок этади (икки хужумчи ва ҳимоячи). Хужумчилар тўп билан навбатма-навбат алдамчи ҳаракат бажариб, ҳимоячидан ўтади, сўнг айланиб дарвозага тўп отади. Ҳимоячилар хужумчининг ўтишига қаршилик қилиб, кейинчалик отилган тўпга тўсиқ қўяди;

#### 5-вазифа:

- дастлабки ҳолат: ҳимоячилар “6-0” тизимда. Хужумчилар ўнг ёки чап томонда ҳар бири тўп билан бир қатор бўлиб жойлашади. Қатор бошидаги хужумчи тўпни ҳимоячига узатиб, уни яна қайтиб олиб дарвозага тўп отишни бажаради. Ҳимоячилар тўсиқ қўяди;

- худди шунинг ўзи, факат шу машқни ҳар бир ҳимоячи билан навбатма-навбат бажаради;

- худди шунинг ўзи, факат ўйинчи тўп отишни бажаришда ўз хоҳишича дарвозанинг юқори ва пастки қисмларига бажаради. Ҳимоячи ўнг ва чап томонларга майдон чизиги бўйлаб ҳаракат қилиб тўсиқ қўйишга интилади;

- худди шунинг ўзи, факат хужумчилар дарвозага тўп отишнинг барча усулларини алдаб ўтиш ҳаракати билан галма-гал алмаштириб бажаради. Ҳимоячи тўпга тўсиқ қўйиш билан чегараланмасдан, олдинга чиқиб ўйинчини тўсиши ҳам лозим.

#### 6-вазифа:

- дастлабки ҳолат: икки ҳимоячи дарвоза майдони чизигида, хужумчилар 9 м чизиқда икки қатор бўлиб жойлашган. Ҳимоячилар ён томонга қадамма-қадам ҳаракат қилиб, гурух бўлиб тўсиқ қўйиш ҳаракатини бажаради. Тўп отиш оралиқ вақтини мураббий бошқаради;

- 6 хужумчи тўп билан 6-0 тизимида 6 ҳимоячига қарши жойлашган. Хужумчилар навбатма-навбат дарвозага тўп отишни бажаради. Ҳимоячилар эса ён томонга силжиб ҳаракат қилиб, тўсиқ қўйишда ҳимоячиларни сон жиҳатдан устунликка эга бўлишини таъминлайди.

### **3.2. Дарвозабонни тайёрлаш учун машқлар**

#### **Жисмоний тайёргарлик**

#### **Тезкор-күч қобиляйтини тақомиллаштириши**

##### **1-вазифа:**

- дастлабки ҳолат: икки дарвозабон бир-биридан 3-4 м оралиқ масофада жойлашади, улардан бири оёқларини олдинга чўзиб ўтиради, иккинчиси унинг қаршисида кўлига тўп олиб туради. Тўп билан бўлган дарвозабон аник йўналишда шериги кўкрак қисмига тўп ташлайди, у олдин орқага ётиб, сўнг яна ўтириб тўпни илиб олади;

- худди шунинг ўзи, ўтирган дарвозабон ўз-ўзига тўпни ташлаб бажаради;

- худди шунинг ўзи, факат тўп ердан сапчигандан сўнг уни илиб олиш зарур.

##### **2-вазифа:**

- дарвозабон дарвоза марказида кўлларига таяниб ётган ҳолатда бўлади. Ҳужумчи тўп билан дарвозанинг пастки қисмларига тўп отишни бажаради, дарвозабон эса шундай ҳолатда оёқлари билан тўпни қайтаради;

- худди шунинг ўзи, факат тўплар думалаб келмаса, дарвозабон ундан отилган тўпларни факат кўл билан қайтаради;

- кўлларга таяниб ётган дарвозабоннинг оёқларини шериги ушлаб туради. Ўйинчи 4-5 марта бирма-бир тўпни дарвозага отади. Дарвозабон тўпни факат кўл билан қайташга ҳаракат қиласади.

##### **3-вазифа:**

- дарвозабон чалқанча ерда (полда) ётиб, кўллардан фойдаланмасдан қарши томон ўгирилади: ётган дарвозабон бош томондан 2-3 м масофада икки тўп билан турган шерига кетма-кет тўпни отади, чалқанча ёки қаршида ётган дарвозабон тўпни қайташга ҳаракат қиласади. Шу йўснида ўша йўналишда айланиб ҳаракат қилаётган дарвозабон оёғи томонда 2-3 м масофада турган иккинчи ўйинчининг отган тўпларини қайташга ҳаракат қиласади;

- дарвозабон дарвозада ётган ҳолатда ўйинчи дарвозабон ёнгинасидан ўтишни мўлжаллаб тўп отади. Дарвозабон вазифаси – тўпни илиб, яна уни ўйинчига қайташи.

##### **4-вазифа:**

- дарвозабон навбатма-навбат ўтириб-туриш ва сакраш ҳаракатларини бажаради, шу билан бир вактда у юқоридан ёки

пастдан келаётган түпни қайтариш учун ҳимоя ҳаракатларини хам бажаради;

- дарвозабон бир вақтда юқори бурчакларга отилгән икки түпни (ёки юқори ва паст) сакраб ушлаб олишга ҳаракат қиласы.

### *Харакат тезлигини тағомиллаштыриши*

#### *1-вазифа:*

- түпни юқорига, олдинга ташлаб, дарвозабон тез отилиб югуриб түпгә етиб олиб, уни илиб олади;

- худди шунинг ўзи, лекин түпни ташлаб, дарвозабон оёқлари товони орқа қисмида югуриб түпгә етиб олади ва унга эга бўлади;

- худди шунинг ўзи, факат дарвозабон ҳаракатни товоннинг ташки қисмида, кейинчалик ички қисмида бажаради;

- дарвозабон олдинга ташлангән түп йўналиши томон отилиб югуриб тўпдан ўтиб, тўп тушадиган жойга яқин тўп тушмасдан ўтиради, сўнг ерга тушиб сапчиган түпни қўллари билан ёпиб ушлайди.

#### *2-вазифа:*

- шерик ўйинчи қўлларидан бирини ён томонга узатиб, қўлидаги түпни тушириб юборади, ундан 1,5-2 м масофада турган дарвозабон тўп ерга тушмасдан ўнга қўл ёки оёгини текказиши керак. Машқ масофани узоклаштириш билан мураккаблаштирилади.

- икки дарвозабон бир-бири ортидан 1-1,5 м масофада аста югуриб ҳаракат қиласы. Биринчи дарвозабон түпни олдинга, чап томонга ёки орқага ташлайди. Иккинчи дарвозабон тез отилиб югуриб, ташланган түпни илиб олади.

#### *3-вазифа:*

- икки дарвозабон тўп билан, бир-бирининг оралиғи 4-8 м масофада, чуқур ўтирган ҳолатда жойлашади. Иккаласи баравар тўпларини юқорига отади ва ҳар хил ҳолатда (сакраб ёки қадамлаб) бир-бирига қараб ҳаракат қилиб, шерик тўпига эга бўлади;

- икки дарвозабон бир-бирининг ортидан 1,5-2 м масофада туришади. Биринчи дарвозабон тўп билан ҳар хил: ўнгга, чапга, орқада турган шериги диққатини жалб қилиб ҳаракатланади. Кутимаган вақтда түпни ташлайди ёки ён томонга тушириб юборади. Иккинчи дарвозабон биринчи дарвозабоннинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб, тўп ташланганда ёки тушириб юборилганда сакраб ҳаракат қилиб, тўп ерга тушмасдан унга эга

бўлишга ҳаракат килади. Тўп эгаллангандан сўнг дарвозабонлар жой алмашадилар.

#### *4-вазифа:*

- дастлабки ҳолат: уч дарвозабон тўп билан, оралиқ масофа – 3-4 м ҳосил қилувчи ҳар хил учбурчак бўлиб жойлашади. Ишора ёки сигналдан сўнг ҳар қайси дарвозабон тўпни юқорига отади ва уларнинг барчаси чап ёки ўнг томонга ҳаракат қилиб шериги жойига келади ва тўпни илиб олади. Жой алмашиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин (югуриб, сакраб, ўтириб, сапчиб);

- икки дарвозабон тўп билан бир-бирига қараб 1,5-2 м масофада жойлашади, навбатма-навбат чалғитувчи ҳаракатларни бажаради. Биринчи дарвозабон кутилмаганда тўпни ташлайди ёки тушириб юборади, иккинчи дарвозабон унга қарама-қарши томонга тўпни ташлаб ёки тушириб юбориши лозим, шундан сўнг уларнинг ҳар бири тўп ерга тушмасдан уни илиб олишга ҳаракат қилади.

### *Чаққонликни тақомиллаштириши*

#### *1-вазифа:*

- дарвозабон деворга юзланиб 2-2,5 м масофада туриб, оёқ товонининг ўнг ва чап тарафи билан теннис тўпини йўналтиради ва уни шу оёқ билан тўхтатади;

- ҳудди шунинг ўзи, фақат деворга отилган тўпни шундай хисоблаш керакки, тўп деворга тегиб қайтгандан сўнг ерга дарвозабон олдида тушиши лозим. Дарвозабон сакраб  $180^{\circ}$  ўгирилиб тўпни илиб олади;

- ўйинчи деворга ён томони билан туради. Бир қўли билан тўпни ерга уриб олиб юришни, юқорига кўтарилиган иккинчи қўли билан девордан фойдаланиб бажаради;

- ўйинчи деворга юзланиб 2-3 м масофада туради. Чап қўли билан тўпни ерга уриб олиб юришни, ўнг қўли билан иккинчи тўпни деворга узатиб ва уни илиб олишни бажаради. Машқни чапга, ўнгга, девор бўйлаб, олдинга, орқага ҳаракат қилиб тақрорлаш мумкин;

- деворга юзланиб қорнида ётиб, деворга тўп отади ва қайтган тўпни қайтаради (машқни ерда ўтириб, юриб бажариш мумкин);

- ўтириб (ётиб) девордан 3-4 м оралиқ масофада дарвозабон тўп отишни бажаради, девордан сапчиб қайтган тўпни туриб илиб олади. Машқни мураккаблаштириш максадида мураббий девор билан дарвозабон оралиқ масофасини қисқартиради.

## **2-вазифа:**

- дарвозабон девордан 3 м оралиқ масофада унга юзланиб жойлашади. Ўйинчи дарвозабон ортида девордан 4-5 м масофада қўлида теннис тўпларини олиб туради. Мураббий ишораси билан ўйинчи тўпларини навбатма-навбат деворга отади, девордан қайтган тўпни дарвозабон тўхтатиши лозим;

- дарвозабон девордан 1,5-2 м масофада орқа билан туради, тўп билан ўйинчи дарвозабондан 4-5 м масофадан туриб, дарвозабон оёгининг товон қисмига тўп отади. Дарвозабон отилган тўп ўтиб кетиши учун сакраб  $180^{\circ}$  ўгирилади ва девордан қайтган тўпга эга бўлади.

## **Техник тайёргарлик**

### **Умумий тайёргарлик воситалари**

#### **1-вазифа.**

- дастлабки ҳолат: икки дарвозабон бир-бири ортида 2 м масофада жойлашган. Улардан бири – дарвозабон, химоя ҳаракатларини бажаради, иккинчиси уни қайтаради;

- худди шунинг ўзи, фақат улар бир-бирига юзланиб туради,

#### **2-вазифа:**

- ўйинчилар тўп билан оралиғи 3 м масофада икки қатор бўлиб жойлашган. Ҳар бир ўйинчи тўпни юқорида ёки пастда ушлаб туради. Дарвозабон қаторлар орасида ҳаракат қилиб, химоя ҳаракатини бажаради;

- дарвозабон пастдан келаётган тўпни қайтариш ҳаракатларини бажаради. Дарвоза қаршисида тўп билан турган ўйинчи 4-10 марта тўп отиш ҳаракатини бажаргандан сўнг тўпни пастки бурчакларга йўналтиради;

- худди шунинг ўзи, дарвозабон тўп қайтариш бўйича химоя ҳаракатларини бажаради, ўйинчилар бир-бирига тўп отиш ҳаракатини бажаргандан сўнг тўпни юқори бурчакларга йўналтиради.

#### **3-вазифа:**

- дарвозабон дарвоза марказида ўтирган ҳолатда, ўйинчи дарвоза бурчакларига кетма-кет 4-5 марта тўп отади, дарвозабон оёқ билан ёнга кенг қадам ташлаб тўпни қайтариши керак;

- дарвозабон оёқларида ўтирган ҳолатда юқорига ва пастга йўналтирилган тўпларни қайтаради.

#### **4-вазифа:**

- дастлабки ҳолат: дарвазабон дарвоза марказида оёқларини елка кенглигиде очиб туради. Дарвазабондан 4-5 м масофада турган ўйинчи маълум бир кучланишда дарвазабон оёқлари орасига йўналтириш учун тўпни отади. Дарвазабон вазифаси оёқларни тез жуфтлаштириш харакати орқали тўпни қайтаришдан иборат;

- дарвазабон дарвоза марказини эгаллайди, оёқлар жуфтланган, 3-4 марта дарвозага йўналтирилган тўпларни қўли билан қайтаради. Дарвазабон жуфтланган оёқларда харакат килиб, дарвозага йўналтирилган тўпларни қайтаради. Бир оёқда тўпни қайтаиш ман этилади.

### *Махсус тайёргарлик воситалари*

#### *1-вазифа:*

- дарвазабон дарвозада ҳар хил гимнастика машқларини бажаради. Бажариш вақтида ўйинчилар дарвозага тўп йўналтиради, дарвазабон машқларни тўхтатиб, тўпни қайташига киришади;

- дарвазабон ўнг ёки чап томонларга кўллар ёрдамида айланиб ўтади. Дастлабки ҳолатга қайтиш вақтида бир гурух ўйинчилар кетма-кет (5-6) дарвозанинг ҳар хил бурчакларига тўп отадилар. дарвазабон вазифаси ушбу отилган тўпларни қайташидан иборат.

#### *2-вазифа:*

- икки ўйинчи ҳар бири икки тўп билан бир-бирига юзланиб 10-12 м оралиқ масофада жойлашган. Ўйинчилар орасида 4-6 м оролик масофада икки дарвазабон бир-бирига юзланиб туради. Ишорадан сўнг уларнинг бири олдинга дўмбалоқ ошади, иккинчиси унинг устидан сакраб ўтади. Ўйинчилар дарвазабонларга навбатманавбат иккитадан тўп отадилар. Бири дўмбалоқ ошганга, иккинчиси сакраган дарвазабонга тўп отади;

- дарвазабон олдинга дўмбалоқ ошишни бажаради, у дастлабки ҳолатга қайтиб, ўтириш ҳолатига келганда, ундан 4-6 м оралиқ масофада турган иккинчи дарвазабон биринчи дарвазабон ёнига кетма-кет тўп отади, дарвазабон вазифаси – тўпни қайтаиш;

- худди шунинг ўзи, фақат икки марта олдинга дўмбалоқ ошгандан сўнг.

#### *3-вазифа:*

- икки дарвазабон, бири тўп билан, бир-бирига қарама-қарши 5-7 м оралиқ масофада жойлашган. Тўп билан бўлган дарвазабон олдинга бир қадам кўйиб, тўпни юқорига ташлаб, олдинга дўмбалоқ

ошишни бажаради. Унинг шериги тўпни юқорига ташлаш вақтида олдинга ҳаракат қилиб, дўмбалоқ ошган дарвозабон устидан сакраб ўтади ва у тарафга бошқа ўйинчилар томонидан йўналтирилган бир, икки тўпни қайтариб, сўнг биринчи дарвозабон юқорига ташлаган тўпини илиб олади;

- бир чизик бўйлаб икки дарвозабон 8-10 м оралиқ масофада, учинчиси эса уларнинг бирига юзланиб ўтирган ҳолатда жойлашади. Ўтадаги дарвозабон шерикларининг бири томон олдинга дўмбалоқ ошади. У тўпни юқорига ташлаб, дўмбалоқ ошиш ҳаракатини бажарувчи устидан сакраб ўтади ва ўз навбатида қаршисида турган шериги томон олдинга дўмбалоқ ошади. Дўмбалоқ ошишни бажарган дарвозабон хаводаги тўпни жойини аниклаб, унга дарҳол эга бўлишга интилади.

#### *4-вазифа:*

- гурух ўйинчилар дарвозабон майдони чизиги бўйлаб навбатма-навбат 6 м масофадан дарвозанинг юқори ва пастки қисимларига тўп отишади. Отиш тезлигини кучайтириб ёки камайтириб, ўйинчилар дарвозабон химоя ҳаракатларини мураккаблаштиради. Тўп отиш вақти оралиқ 5-10 с ташкил қилиши лозим;

- 7-10 одамдан ташкил толган гурух ўйинчилар ҳар қайсиси икки тўп билан ҳар хия ҳолатда дарвозага тўп отишади. Икки дарвозабон навбатма-навбат алмаштирилади.

#### *5-вазифа:*

- барча ўйинчилар иккитадан (теннис ва гандбол) тўптга эга бўлиб, майдон марказида жойлашади. Дарвоза томон ҳаракат қилган ўйинчи навбатма-навбат теннис тўпини таянган ҳолатда ва гандбол тўпини сакраб дарвозага отади;

- дарвоза майдони чизигида тўрт ўйинчи, ҳар бири икки тўпга эга бўлиб жойлашади. Отиш тезлигини орттириб ёки камайтириб, дарвозабон тўпни қайтаришга шароит яратиб дарвозанинг ҳар хил қисимларига тўп отади.

#### *6-вазифа:*

- дарвозабон дарвозада. Ҳужумчилар 9 м эркин тўп ташлаш чизигида уч қатор орқама-орқа бўлиб жойлашган. Биринчи ва иккинчи қатордаги ўйинчилар навбатма-навбат дарвозанинг маълум юқори бурчакларига, учинчи қатордагилар – дарвозанинг пастки бурчакларига тўп отадилар;

- худди шунинг ўзи, фақат биринчи ва иккинчи қатордагилар дарвозанинг маълум пастки бурчагига, учинчи қатордагилар хоҳлаган юкориги бурчакка тўп отадилар.

## Ўйин тайёргарлиги

### *Умумий тайёргарлик воситалари*

#### *Комплекс машқлар*

##### *1-вазифа:*

- ўйинчилар тўп билан дарвоза майдонининг ўнг томонида жойлашади. Қарама-карши дарвозанинг эркин тўп ташлаш чизигида оралиғи бир-биридан 3 м масофада тўрт устунча ўрнатилади. Ҳужумчилар майдоннинг ён чизиги бўйлаб тўпни ерга уриб олиб юриб, устунчаларни оралаб ўгади ва дарвозабонга тўпни узатади, сўнг ўзи қарама-карши дарвоза томон отилиб югуриб дарвозабон қайтарган тўпни илиб олади ва уни ерга уриб олиб юришдан фойдаланиб дарвозага отади.

##### *2-вазифа:*

- 9 м эркин тўп ташлаш чизигида оралиқ масофа 2,5-3 м да 6 та тўп. Бир неча тўп майдонинг ён чизигида жойлашган. Дарвоза майдонининг чап бурчагида жойлашган ҳар бир ҳимоячи навбатманавбат ҳар бир тўпга олдинга чикиб, уларга кўлини текказиб, 6 м чизикка қайтади ва ён чизиқда ётган тўпни олиб дарвозабонга узатади, сўнг қарама-карши дарвоза томон отилиб югуради, дарвозабондан қайтиб олган тўпни дарвозага отади;

- худди шунинг ўзи, факат бошқа томонга.

##### *3-вазифа:*

- ўйинчилар ўрта чизиқда жойлашади. Эркин тўп ташлаш чизигининг ўнг томонда бир неча тўплар кўйилади. Ҳужумчи дарвоза томон тезлашиб югуради ва тўпни олиб дарвозага отади, шундан сўнг яна орқага тезлашиб югуради, яна ётган тўпни олиб дарвозага отади. Ҳар бир ўйинчи 8 тадан дарвозага тўп отишни бажаради. Тўп отиш усулини мураббий кўрсатади;

- худди шунинг ўзи, факат майдон ўрта чизигида ораси 3 м бўлган устунчалар ўрнатилади. Ўйинчи улар орасидан илонизисимон харакат қилиб ўтиб қайтади.

##### *4-вазифа:*

- 6 гандболчи оралиғи 2-3 м масофада ўрта чизиқда жойлашади. Иккинчи гурух (6 та) юза чизиқда жойлашиш ҳолатини

эгалайди. Ҳар қайси ўйинчи түпга эга. Ишора ёки сигналдан сўнг майдон марказида турган ўйинчилар ўз шериклари томон тезлашиб югуради. Дарвоза майдонига югуриб етиб келганда уларнинг шериклари улар томон тўпни думалатиб юборади. Тўпни олган ўйинчи яна уни шерикларига хаводан узатади ва дарҳол майдон марказига қайтади ва яна тўпга эга бўлиб уни юза чизигида турган шерикларига сакраб узатади. Шундан сўнг машқни иккинчи «олтиликлар» бажаради.

### 5-вазифа:

- дастлабки ҳолат: ҳимоячилар майдон бурчагида, хужумчилар эркин тўп ташлаш чизиги бўйлаб жойлашган. Эркин тўп ташлаш чизигига тўртта гандбол тўпи қўйилади (хужумчилар сонига қараб). Хужумчилар ҳар бири тўпга эга. Ҳимоячи биринчи тўпга югуриб чиқади, унга тегиб хужум қилаётган хужумчи ҳаракатига қаршилик қўрсатади ва дарвоза майдони чизигига қайтади. Сўнг кейинги тўпга чиқади ва хоказо. Кейинги ҳимоячи машқни (олдинги ҳимоячи иккинчи тўпга теккандан сўнг) бажаради.

## Ёрдамчи ўйинлар

1. “Кувлашмачоқ”. Бир тўпсиз-кувловчи. Бошқа ўйинчиларда битта тўп. Тўпга эга бўлган ўйинчига тегиш мумкин эмас. Шунинг учун ўйинчилар кувловчи кимни ушламоқчи бўлса, шунга тўп узатади.

2. “Кувлашмачоқ”. Ўйинчилар шерик бўлиб бир-бирининг кўлидан ушлаб олади. Кувловчи шериклар бир-бири кўлини қўйиб юбормасдан бошқаларни ушлаши мумкин.

3. “Кувлашмачоқ”. Жамоа хужумчи ва ҳимоячиларга эга. Кувловчи факат хужумчи ушлаши мумкин. Ҳимоячилар хужумчиларни кувловчидан тўсишга ҳаракат қиласди.

4. “Тўп билан кувлашмачоқ” ўйини. Ўйин майдоннинг бир бўлагида ўтказилади, икки жамоа тўпга эга. Хужумчилар вазифаси ракиб ўйинчиларининг ҳаммасига қўлда ушлаб турган тўпни текказиш. Тўпни узатиш ва тўп билан уч қадам қилишга рухсат этилади. Тўп теккан ўйинчи майдонни тарк этади. Барча хужумчилар майдондан чиқарилгандан сўнг жамоалар рол алмашади.

5. “Қаерда тўп кўп?” ўйини волейбол майдонида ўтказилади. Ҳар бир жамоада иккитадан тўп: ишора ёки сигнал билан тўп тўр устидан рақиб томонга ташланади. Қайси жамоа томонида тўп қолмаган бўлса, уғолиб хисобланади.

6. “Қаерда түп күп?” ўйини волейбол майдонида ўтказилади, түр ўрнига гимнастика ўриндиғи қўйилади. Ҳар бир жамоада икки түп. Ўйин бошланишига берилган сигналдан сўнг түпни ўз майдонига уриб скамейка устидан сапчитиб ракиб майдонига ўтказиш керак. Майдонида түп қолмаган жамоа ғолиб хисобланади.

7. “Нишонни уриб чикар” ўйини. Ўйин волейбол майдонида ўтказилади. Юза чизиқда оралиқ масофаси бир метрдан тўплар қўйилади. Ҳар бир жамоада учтадан ўйинчи тўр бўйлаб 3 метрли худудда жойлашади, бири тўр остидан тўп отиб нишонга текка-зишга уринади, бошқалар уларни ҳимоя қиласди. Бошка ўйинчилар майдон ташқарисида тўп йиғиб, ўзларининг учликларини кейинги хужум учун тўп билан таъминлайди.

8. Гандбол тўпи билан “Отишма” ўйини.

9. “Тўп учун кураш” ўйини. Майдон бўйлаб ракибни шахсий тўсиш. Шахсий ҳимояда бир-бираига ёрдам кўрсатиш.

10. Уч тўп билан “Тўп учун кураш” ўйини. Қисқа муддатда барча тўпларга эга бўлган жамоа ғолиб хисобланади.

11. “Ҳаракатчан дарвоза” ўйини.

12. 3x3x3 ёки 4x4x4 бўлиб гандбол ўйнаш. З тайм 6 дақиқадан, 3 дақика дам олиш учун танаффус.

13. Тўрт гурух ўйинчилар майдоннинг ҳар хил икки томонида жойлашади. А ва Б гурухлар – ҳимоячи, В ва Г – хужумчи. В гурухи хужумчилари бир тўп билан. А гурухи ҳимоя қилинаётган дарвозага хужум қиласди, дарвозага тўп отишни бажаргандан сўнг, В гурухи хужумчилари қарама-карши дарвозага хужум қиласди, Б гурухи ҳимоячилари уларни дарвозадан 15-17 м масофада қарши олади. Бу ҳимоя ҳаракатлари вактида А гурухи ўйинчилари 15-17 м олдинга чиқишиади. В гурухи хужумчилари дарвозага хужум бошлайди, буларни А гурухи ўйинчилари ҳимоя қиласди ва ўйин яна давом этади.

14. Майдоннинг ярмида ўйнаш. Шахсий ҳимоя, икки тайм 6 дақиқадан, 3 дақика танаффус.

### **Дастлабки тайёргарлик гурухи учун дарсларнинг намунавий мазмуни**

#### ***1-dars***

Комлекс дарс. Бунда учта вазифа ҳал этилади: тезкор ҳаракат ва сакровчанлик, шерик билан қарама-карши ҳаракатда тўпни

узатиш ва илишни ўрганиш, химоячи тўсигидан қутилишни такомиллаштириш.

*Дарснинг тайерлов қисми – 30 дақиқа.*

Сафланиш машқлари (5 дақ). Арқон билан умумий ривожлантирувчи машқлар: эгилиш, бурилиш, кўлларни тез силтаб айлантириш, ҳар хил ҳатлаб ўтиш, сакраб ўтиш (икки кўлда арқон билан). Арқонда сакраш.

*Асосий қисм – 56 дақиқа.*

Кенглиги 30-50 см қилиб белгиланган жойларда олдинга ва орқа билан сакраш, бир оёқлаб, икки оёқда, бирма-бир ва кўп марта (7 дақ).

Шерик бўлиб бир тўп билан машқлар бажариш. Ўйинчи ўзи томон югуриб келаётган шеригига тўп узатади ва у тўпни илиб, унга яна қайтаради ва дастлабки ҳолатга қайтади. Секин-аста улар орасидаги масофа ва тезлик ўзгартирилади (6 дақ). Худди шундай машқ, фақат дастлабки ҳолатга қайтишга ва тўп илишга чиқища ўйинчи тўсикларни бартараф этиб устунчалар орасидан ўтади (5 дақ).

Тўпсиз шерик билан машқлар. Ҳимоячи ҳужумчини дарвоздабон майдонига қирмаслиги учун уни тўсишига ҳаракат қиласи, ҳужумчи эса отилиб чиқиш ҳаракатидан фойдаланиб ҳимоячини алдашга уринади (8 дақ). Ҳужумчи ҳимоячи ортида ётган тўп ёки бошқа буюмни олиш учун ҳаракат қиласи (1.5-2 м масофа). Ҳимоячи унга карши ҳаракат қиласи (8 дақ).

Ҳар бир ўйинчи тўп билан. Тўпни ўзи атрофида, шеригини айланиб, ўнг ва чап кўлда, бир ва икки оёқда сакраб олиб юриш (5 дақ).

“Худудга ёриб кир” ўйини. Дарвоза майдонида бир неча тўп кўйилган. Бир жамоа – ҳимоячи (6-8 одам), бошқа жамоа – ҳужумчи. Ҳимоячилар дарвоза майдони чизиги бўйлаб қатор туриб олиб, майдон ичига ётган тўпларни олиш учун ҳаракат қилувчи ҳужумчиларни киритмайдилар. Бир ҳужумчи фақат бир тўпни олиши ёки уриб юбориши мумкин, сўнг яна майдонга қайтиши зарур. Яккакураш фақат гандбол қондалари меъёрида рухсат этилади. Белгиланган вақтдан сўнг жамоалар ўрин алмашадилар. Кўп тўп олган жамоа ғолиб хисобланади (8 дақ).

*Дарснинг яқуний қисми – 3 дақиқа.* Оддий, секин югуриш, бўшашиб машқлари, дарсга яқун ясаш.

## **2-дарс**

Комплекс дарс. Бунда иккита вазифа ҳал этилади: ўйиндаги чакқонликни тарбиялаш ва шеригига қарама-қарши ҳаракат қилиб, тўпни узатиш, илишни ўргатиш.

*Дарснинг тайерлов қисми – 25 дақ.*

“Ман этилган ҳаракатлар” ўйини (4 дақ). Теннис тўпи билан умумривожлантирувчи машқлар: эгилиш, бурилишлар, оёқлар билан ҳар хил ҳаракатлар қилиш. Тўпни олдинга, ёнга ташлаб илиш, тўпни думалатиб сўнг унга етиб олиш ва хоказо (20 дақ).

*Асосий қисм – 60 дақиқа.*

“Эпчил болалар” ўйини (8 дақ) “Кувлашмок” (6 дақ). Қарама-қарши орқама-орқа бўлиб қатор туриб, қарама-қарши қаторга тўп узатиб, ўзининг қатори охирига туриб олиш (5 дақ). Қарши қаторга тўп узатиб ва қарши қатор охирига ўтиб туриш (5 дақ).

Икки қаторда биринчи бўлиб турган ўйинчилар тўп билан бир вақтда қарши қатор томон тўпни ерга уриб ҳаракат қиласди ва кейинги ўйинчига тўп узатиб қатор охиридан жой олади (8 дақ).

Тўпсиз шерик билан машқ. Навбатма-навбат ҳар хил ҳаракатларни (ўнг, чапга отилиб югуриш, тўхташ, сакраш) бажарувчи хужумчи ортида турган ҳимоячи хужумчи ҳаракатларини такрорлайди (4 дақ). Шу машқ, факат 2-3 м кенгликдаги масофада ҳимоячи хужумчига юзланиб туради, хужумчи ҳимоячилардан ўтиб кетишига ҳаракат қиласди (4 дақ).

Бир ўйинчи туриб, иккинчи ўйинчини алдаб ўтиб, унга тўпни узатади ва шундай яна такрорланади (5 дақ). Ўйинчи шерик билан ҳаракатда бир-бирига тўп узатади (8 дақ). “Тўп сардорга” ўйини (8 дақ).

*Якуний қисми – 5 дақ.*

*Оддий югуртии. Организмни бўшатиш машқлари, дарсга яқун ясаш.*

## **3-дарс**

Комплекс дарс. Бунда тўп отишни бажаришда ва қарама-қарши ҳаракатда тўпни узатиш ва илиш зарур бўлган сифатлар ривожлантирилади.

*Тайерлов қисми – 30 дақиқа.*

Сафланиш машқлари (5 дақ). Тўлдирма тўп билан умумий ривожлантирувчи машқлар: эгилишлар, гавдани букиш, тўпни

олдинга, ён томонларга, орқага ташлаб илиб олиш, тўплар устидан сакраш (24 дақ).

*Асосий қисми – 55 дақиқа.*

Белгиланган 6 ва 9 метрли чизиклар ва белгиланган майдон бўйлаб йўлакларда югуриш ва сакрашлар (14 дақ).

Қарама-қарши бир-бирини ортидан икки қатор бўлиб, қатор ўртасида ўтирган холатдаги ўйинчи ўрнидан силжимасдан қаторлар бир-бирига узатган тўпга кўллари билан ҳаракат қиласди. Тўп узатилгандан сўнг ўйинчи қарама-қарши қатор ортига ўтиб кетади (4 дақ).

Залнинг тўрт бурчагида марказга юзланиб бир-бири ортида турган тўрт қатор сафланади. Қарама-қарши қаторлар зал диагонали бўйлаб тўпни узатиб, тўп узатилган қатор ортига ўтиб кетади (5 дақ). Қарши қатор томон тўпни ерга уриб югуриб, сўнг тўпни узатади ва қатор ортига ўтиб кетади (6 дақ). Қатор олдида турган ўйинчиларнинг ҳаммаси тўл билан. Ишора ёки сигналдан сўнг барча тўрт қатор олдида турган ўйинчилар ўзининг қарама-қаршисидаги қатор томон тўпни ерга уриб олиб юриб ҳаракат қиласди. Шериклар билан учрашувда у алдаш ҳаракатидан фойдаланиб улардан ўтиб, яна ўз қаторига кайтиб, қатор бошида турган ўйинчига тўп узатади ва ўзи қатор ортига ўтиб кетади (6 дақ).

Узоқлиқдаги нишонга (девордаги тўсин, майдондаги белги, яна бошқалар) теннис тўпини улоқтириш (13 дақ).

*“Айланма лапта” ўйини*

*Якуний қисми – 5 дақ.*

*Оддий югуриши. Организми бўшатилиши машқлари, дарс га якун ясали.*

#### **4-дарс**

Комплекс дарс. Вазифа: ўйиндаги чаққонлик ва қарши ҳаракатда тўп узатиш ва илишин ўргатиш.

*Тайёрлов қисми – 24 дақиқа.*

Сафланиш машқлари (4 дақ). Умумривожлантирувчи машқлар (20 дақ).

*Асосий қисми – 64 дақиқа.*

Хар хил холатда (ётиб, ўтириб, туриб) тезланиш ва отилиб югуриш. Нафасни ростлаш учун дам олиш (7 дақ). “Тўпни тез кайтар” ўйини. Бир ўйинчи бир-бирининг ортида турган қаторга

навбатма-навбат түп узатади, қатордаги ўйинчи түпни узатгандан сўнг ўзидан кейинги турган ўйинчига унинг түп олишига ҳалақит қилмаслик учун ўтиради. Қатор ортидаги ўйинчи түп узатувчи ўйинчи жойига ўтади, түп узатувчи қатор бошига ўтади. Машкни жамоа бўлиб мусобака тариқасида ўтказиш мумкин (7 дақ).

Икки бир-бирига қатор ташкил этилади. Қаторлар орасида 0,5-1,5 м баландликда арқон тортиб қўйилади. Тўпни арқон тагидан узатиб, қатор ортига ўтиб кетилади (4 дақ). Тўпни арқон тагидан узатиб, тўп узатилган қатор ортига ўтиб кетилади (5 дақ). Тўп билан арқондан сакраб, тагидан ўтиб тўп узатади ва тўп узатилган қатор ортига ўтиб кетилади (10 дақ).

Учта бўлиб машк бажариш. 2 м йўлак бўйлаб икки ўйинчи тўпни ерга уриб олиб юради, учинчи ўйинчи химоячи вазифасини бажариб, кетма-кет биринчи ва иккинчисининг йўлини тўсиб, уларга ҳалақит киласди. Вакти-вакти билан ўйинчилар роллари билан алмашадилар (10 дақ). Бир химоячи икки хужумчи. Химоячи назоратидаги биринчи хужумчи шеригига тўп узатиб, ҳар хил томонларга тез отилиб химоячи тўсиғидан кутилиб, яна тўпни кайтариб олади. Ўйинчилар маълум вактда роллари билан алмашадилар (8 дақ). “Тўп учун кураш” ўйини (8 дақ).

*Якуний қисм – 2 дақиқа.*

## **Адабиётлар**

1. Игнатьева В.Я., Петрачева И.В. Многолетняя подготовка гандболистов в ДЮСШ. М., Советский спорт, 2003.
2. Игнатьева В.Я., Портов Ю.М., Гандбол. Учебник для физкультурных вузов. М., Фон, 1996.
3. Игнатьева В.Я. Гандбол. Азбука спорта. М.. ФиС. 2001.
4. Игнатьева В.Я., Петрачева И.В., Гусев А.В. Направленность подготовки гандбольных вратарей-женщин. М., Союз гандболистов России, 2001.
5. Клусов Н.П. Тактика гандбола. М.. ФиС, 1986.
6. Клусов Н.П. Ручной мяч в школе. Пособие для учителя. М., Просвещение, 1986.
7. Павлов Ш.К, Абдурахманов Ф.А., Акрамов Ж.А, Гандбол. Жисмоний тарбия институти талабалари учун дарслик. Т., ЎзДЖТИ, 2005.
8. Павлов Ш.К., Абдурахманов Ф.А., Подготовка гандболистов. Т., УзГИФК. 2006.
9. Абдурахманов Ф.А, Павлов Ш.К., Гандбол. Жисмоний тарбия институтлари учун намунавий дастур. Т., ЎзДЖТИ, 2005.
10. Тхорев В.И. Рейтинговая методика оценки соревновательной деятельности квалифицированных гандболистов. Учебно-методическое пособие. Краснодар, 1992.
11. Шелягина И.Н., Абдурахманов Ф.А., Павлов Ш.К. Гандболчи талабаларнинг ўқув илмий-текшириш ишлари. Т., ЎзДЖТИ, 2000.

## **МУНДАРИЖА**

ГАНДБОЛ .....	1
Сүз боши .....	3
1. ТАШКИЛИЙ -УСЛУБИЙ КҮРСАТМАЛАР .....	5
1.1. Ўкув-машғулот ишлари .....	5
1.2. Ўкув режаси .....	8
1.3. Йиллик тайёргарлик циклининг режаси .....	14
1.4. Амалий машғулотлар учун дастурий материаллар .....	23
1.5. ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАР .....	42
1.6. НАЗАРИЙ ТАЙЁРГАРЛИК .....	44
1.7. ЙЎРИҚЧИЛИК ВА ҲАКАМЛИК АМАЛИЁТИ .....	48
2. ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ .....	53
2.1. Назорат машқларини бажариш учун кўрсатма умумий жисмоний тайёргарликни баҳолаш .....	55
3. ЖИСМОНИЙ, ТЕХНИК ВА ЎЙИН ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН МАШҒУЛОТ ВАЗИФАЛАРИ .....	78
3.1. Майдон ўйинчилари учун машқлар .....	78
3.2. Ҷарвозабонни тайёrlаш учун машқлар .....	89

*Мұхаррір Абдурахмонова  
Техник мұхаррір М.Султонов*

Босиғта рұхсат этилди 05.01.09. Қоғоз бичими 60x84 1/16.  
Хажмі 6,5 ш.б.т. 34-08 рақамлы шартнома. Адади 300 нұсха.  
19-сон буюртма.

“Lider Press” нашриёті, 100052, Тошкент, Оққүрғон күласі, 2.

“Фахризода” кичик корхонаси  
(Дүст.нік шох күласи, 2А 41үй)да чөн этилди

